



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
ҚОНУНЧИЛИК ВА ХУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

POSTDA

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 18 март, шанба • 11 (3645)-сон

Марҳабо, Набрўзи олали!

Қалдирғочнинг илк бор парвози,
Берганида баҳордан дарак.
Кўкда янграр қушлар овози,
Дошқозонда қайнар сумалак.

Йигитларда ажиб куч-ғайрат,
Қизларда-чи, гўзал латофат.
Бу гўзаллик, бу ғайрат учун,
Сенга раҳмат, она табиат.

Юртим гулга бурканур бу дам,
Дала-боғлар, қир-адирлар ҳам,
Авжга чиқар қўшиқ, яллалар,
Хуш келибсан, Набрўзи олам!

Муҳиддин МАДАМИНОВ.



POSTDA-TV



МУНАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ
Келгуси ҳафта учун

ИИВ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг навбатдаги Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов олиб борди.

Мажлисида аввал Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида хавфсизлик ҳамда жамоат тартибини таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Мазкур масала юзасидан

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Уларга аниқ кўрсатмалар берилиб, ўзaro ҳамкорлик режалари мувофиқлаштирилди.

Шундан сўнг республика ИИВ Академиясида юридик кадрларни тайёрлаш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилди. Мазкур олий таълим муассасасида ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб ўқув жараёни сифатини ошириш йўллари атрофлича муҳокама қилинди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

КўНГИЛЛАРНИ ШОД ЭТИБ

Наврўз айёмини минтақамизда яшовчи халқлар азал-азалдан хушу хурсандчилик, катта тантаналар, ўйин-кулгу билан кутиб олишган. Шу кунни урушлар тўхта-тилган, аразлашган одамлар ярашишган. Ҳамма эзгу амаллар қилишга шошилган.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ҳам ана шу удумларимизга амал қилиб, 10-мехрибонлик уйини ўз оталигига олган. Ҳар байрамда ички ишлар ходимлари тарбия муассасасига таширф буюришади. Болалар, айниқса, погон таққан амакилари 10 та рангли телевизор, юмшоқ мебеллар, гиламлар, палослар ҳада этишган кунни унуттирмас керак. Уша кунни ҳар бир тарбияланувчига спорт кийими, камзул ва бошқа кийим-кечак-

лар совға қилинди.

Ҳозир ҳам болажонларга шодлик улашишга тайёргарлик кўриляпти. Наврўз кунни уларга атаб байрам дастурхони ёзилди. Дастурхонга паловхонтўра, ширинликлар, кўкламнинг тансиқ таомлари бўлган сумалак, ҳалим, кўк сомса тортилади.

Вилоят ИИБ ходимлари мехрибонлик уйига нафақат байрамларда, балки бошқа кунлари ҳам келиб туришади. Болаларни қадимий ва навқирон шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига олиб боришади. Уларга маслаҳатлар беришади, ўз хизматлари ҳақида ҳикоя қилиб берадилар.

Дилбар САЛОҲИДИНОВА.

ҚАРОР ВА ИЖРО

МАЙСАЛАР БАРАВЖ, АММО...

Баҳор келиб, кунлар исийиши билан ғаллазорларда униб чиққан майсалар янада барқ уриб, ривожланыапти. Буни кўрган ҳар бир юртдошимиз бу йил ризқимиз мўл, дастурхонимиз тўкин бўлишидан кўнгли тоғдек кўтарилмоқда. Аммо айрим жойларда улар қорамол, қўй ва эчкилар томонидан пайҳон қилинаётгани кўнгилга ғашлик солаяпти. Шу кунларда хўжаликларнинг раҳбарларидан тортиб, деҳқону фермерлар, ички ишлар ходимларигача эътиборидон экилган майдонларнинг ҳар қаричини пайҳондан сақлаш, асраб-авайлашга қаратилган. Республика Вазирлар Маҳкамасининг экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш бўйича қабул қилган қарори бажарилишини таъминлаш юзасидан бор имкониятлар ишга солинаяпти. Сирдарё вилояти ИИБ ходимлари ҳам қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда муайян ишларни амалга ошириша-япти.

— Бошқармада штаб ташкил этилган бўлиб, ишлар белгиланган режа асосида олиб борилаяпти, — деди вилоят ИИБ ҲООБ бошлиғи, полковник Т. Мўминов. — Қувончлиси, пайҳонгарчилигининг олдини олишга масъул раҳбарлар ўз вазифаларига сикдикдилдан ёндашиша-япти. Штабга келиб ташаётган маълумотлар умумлаштирилиб, таҳлил этиб борилаётгани яхши самара бераяпти.

Айни пайтда ғаллазорларда 320 дан ортиқ кузатув масканлари ташкил этилган бўлиб, 2218 нафар дала қоровуллари фаолият кўрсатмоқда. Улар ҳар кунни одатда ғалла экилган майдонларни айланиб, пайҳон

қилинишига йўл қўйишмаяпти. Ҳар қанча саъй-ҳаракатлар қилиб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмасин айрим фуқаролар, деҳқонлар меҳнатининг қадрига етмай қорамол, қўй ва эчкиларини далага олиб бориб, бўш қўйиша-япти. Баъзилари эса уларни боқиб келишни ёш болаларига ишониб топширишмоқда.

Масалан, Мирзаобод тумани, «Анқобой ота» фермер уюшмасига қарашли ғалла майдонига шу хўжаликда яшовчи Т. Норматовнинг бир бош қорамоли кириб, 0,2 гектар майдонни пайҳон қилган ва 9300 сўм зарар келтирган. Ушбу ҳолат туман ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, лейтенант Ш. Исмоилов томонидан аниқланиб, баённома тузилган. Молнинг эгасига туман суди томонидан 3150 сўм миқдорда жарима солинган.

Боёвут тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, лейтенант Ж. Бўрибоев Ф. Омонлиқов номли фермер хўжалиги даласини айланиб юрганида икки бош қорамол ғаллазорни пайҳон қилиб юрганини кўриб қолди. Дарҳол молларни даладан олиб чиқиб, кимники эканлигини суриштирганда шу хўжаликда истиқомат қилувчи С. Мамировники бўлиб чиқди. Қорамоллар 0,03 гектар майдонни пайҳон қилгани аниқланиб, эгаси тегишли идоралар томонидан маъмурий жавобгарликка тортилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Жойларда ташвиқот-тарғибот ишлари кенг кўламда олиб борилмас экан, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Умрзқоқ ҒАФФОРОВ.

Республикамизнинг барча жойларида бўлганидек Навоий вилоятида ҳам умумхалқ байрами — Наврўзга катта тараддуд кўрилди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда Наврўзолди ҳашарида фаол қатнашиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширдилар. Бошқарма биноси атрофи тозаланиб, тартибга келтирилди. Манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Дарахтларга шакл берилди. Теварак — ат-

ТАРАДДУД ҚИЗГИН

роф яшнаб, янада кўркам тус олди.

— Ҳар йили айёмни янги режалар, эзгу мақсадлар билан кутиб олишга одатланганмиз, — дейди бошқарма бошлигининг ўринбосари, полковник Б. Нарзуллаев. — Наврўз меҳр-мурувват ва меҳнат байрами ҳамдир. Шу боис, байрамда нафақат томошалар, халқ сайиллари уюштирилади, балки қурилиш, ободончилик юмушлари ҳам бажарилади. Қувонч билан айтиш мумкинки, тантаналар арафасида бошқарма ШТБИХ учун ажратилган бино таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, Конимех ва Навбахор туманлари ички ишлар бўлимлари учун замонавий янги бинолар қуриляпти. Улар фойдаланишга топширилиши арафасида.

Ҳа, элимизнинг эъзозли байрами Наврўз яна ўлкамиз бўйлаб кезаётир. Унинг шукуҳи бунёдкор, меҳнаткаш юртдошларимиз қалбига кўтаринки рух, меҳр-мурувват, бахш этиб, эзгу ишларга чорласин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Нигора РАҲИМОВА,
капитан.

2006 ЙИЛ — ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ

МАСЪУЛИЯТ ЯНАДА ОШДИ

Президентимиз томонидан 2006 йилни юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши биз, саломатлик посбонлари зиммасига катта масъулият юкледи.

Бўлимимиз жамоаси ИИБ шахсий таркиби, пенсионерлари, ички ишлар ходимларининг оила аъзолари ва бошқа бириктирилган аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, ишчанлигини ошириш, ички ишлар идораларига жисмонан бақувват, руҳан соғлом номзодларни танлаб олиш бўйича кенг кўламдаги ишларни олиб борапти.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Шифокорларимиз мунтазам равишда жойларга чиқиб, ходимлар билан турли касалликлар ҳақида маърузалар, давра суҳбатлари уюштиришмоқда.

Шахсий таркибининг саломадлигига салбий таъсир қилувчи омилларни камайтириш, касалликлар диагностикасини яхшилаш, касалланган ходимларни қисқа муддатларда соғломлаштириш учун барча шароитлар мавжуд.

Ҳозирги кунда олтмиш ўринли шифохона, поликлиника, Хива ва Питнак шохарларида соғломлаштириш шаҳобчаси, Санитария-эпидемиология назорати маркази, Профилактик де-

зинфекция бўлими, Ҳарбий-врачлик комиссияси, тиш протезлаш бўлинмалари ходимларга малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Функционал диагностика бўлинмамиз замонавий тиббий асбоблар билан жиҳозланган. Бу беморларга ўз вақтида ташхис қўйишда кўл келмоқда.

Шифохонамизда ички, асаб касалликлари, физиотерапия бўлимлари ишлаб турибди.

Шу билан бир қаторда шифокор ва ҳамшираларнинг билим, малакаларини ошириб бориш учун клиника анжуманлар, маърифат, маънавий дарслари ўтказилмоқда.

Ички ишлар идоралари фахрийлари, ногиронлар, хизмат вазифасини бажариш вақтида

хон ёзишни анъанага айлантирганлар. Умумхалқ байрамлари муносабати билан олий ўқув юрти жамоасининг савобли ҳамда хайрли ишлари анча жонланади. Бу эса ўз навбатида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига олам-олам шодлик бахш этади. Тадбирларда шоирлар, ёзувчилар, ички ишлар идораларининг фахрийлари ва бошқа таниқли кишиларнинг иштирок этиши қадимий байрамнинг янада улуглигидан далолат бермоқда.

Байрамда иштирок этган болаларнинг ҳаяжон билан айтган миннатдорчилик сўзлари қалбларга илиқлик бахш этмоқда.

Н. ЗИКРИЛАЕВ.



Рашид СОТЛИКОВ.
Хоразм вилояти ИИБ тиббиёт бўлими бошлиғи, капитан.
Суратда: вилоят ИИБ тиббиёт бўлими шифокорлари (чапдан) Мақсуд Ҳасанов ва Умиджон Олломов.

Бугунги кунда 40 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилаётган Чирчиқ шаҳри ҳудудий жиҳатдан ҳам кичкина эмас. Демак, бу ерда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш ички ишлар ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Наврўз байрами арафасида улар ўз вазифаларини қай даражада бажаришаётганини билиш мақсадида ушбу шаҳарга ташриф буюрдик. Чирчиқ шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Тўлқин Ҳамидов Тиббиёт коллежида ўтказилаётган давра суҳбатида иштирок этаётган экан.

тилишининг олдини олиш, маҳаллада пайдо бўлган бегона шахсни аниқлаш ва қонуний чоралар кўриш, бир сўз билан айтганда, шаҳар тинчлиги, фуқаролар хотиржамлигини таъминлаш учун барча чоралар кўрилаяпти. Бу борада шаҳар ИИБ навбатчилик қисми ходимларининг ҳам муносиб ўрни борлигини айтиб ўтиш лозим.

Подполковник Тўлқин Ҳамидов билан шаҳарнинг «Адолат» маҳалласида бўлганимизда фуқаролар йиғини раиси Марям Да-



Подполковник Тўлқин Ҳамидов Тиббиёт коллежида ўтказилган тадбир пайтида.

— Шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг буйруғига асосан шаҳар тўртта маъмурий ҳудудга бўлиниб, ҳар бирига бошлиқ ўринбосарлари масъул этиб тайинланган, — деди у. — Наврўз байрамини тинч, осойишта ўтказиш учун «Тозалаш» «Антитеррор», «Спитамен», «Фуқаро», «Орият», «Арсенал», «Қидирув» каби бир қанча тадбирлар ўтказилмоқда. Шунингдек, намунали жамоат тартибини сақлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, йўл ҳаракати, ёнғин хавфсизлиги ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, террорчилик, кўпуровчилик ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида мавжуд 44 та маҳалла, бир қанча ўқув муассасалари, ташкилотларда давра суҳбатлари, мулоқотлар, учрашувлар ташкил этилаяпти. Бу айниқса, вояга етмаганлар тарбиясида ўз самарасини бераёпти, десам янглишмайман. Шу йилнинг икки ойи ичида фақат бир ўсмир ўғрилиқ жинояти содир этди.

Таъкидлаш жоизки, профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинлари фаоллари, маҳалла посбонлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар билан биргалликда «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра», «Огоҳлик — давр талаби», «Диққат, бегона!» каби мавзуларда учрашувлар ташкил этишаяпти. Шунингдек, огоҳлик,

ЧИРЧИҚДА БИР КУН



Капитан И. Қурбоналиев ўсмирлар билан суҳбатлашяпти.

хушёрлик, хавфсизлик масалаларида очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, кўп қаватли уйларнинг ертўлаларини, қуриб битказилмаган ва қаровсиз қолган биноларни назорат қилиш, аҳоли гавжум жойларда турли хил буюмлар, хусусан, қутилар, сумкалар, давлат рақамисиз автомобиллар қолдириб ке-

минова фаолларга кўрсатмалар бераётган экан. Бизни очиқ чеҳра билан кутиб олган бу аёлга қараб, кўнглимдан бир ўй кечди. Унга маҳаллани бошқаришдек вазифа оғирлик қилмасмикан, ахир бунинг ўзига яраша ташвишлари, масъулияти бор-ку? Аммо у билан суҳбат давомида таажжубланишимга ўрин қолмади. Негаки,

М. Даминова барча ишларни намунали ташкил этиши, фуқаролар қувончи ва дарди билан яшаётгани, муҳтожларга имкон қадар ёрдам бераётгани маълум бўлди.

— Гўшамизда 15 та миллат вакиллари истиқомат қилади. Фуқароларимиз бир-бирлари билан аҳил-иноқ, байрамлар, тўй ва маъракалар, кўни-кўшничилик муносабатларида барча таомилларни ўрнига қўйишади, — деди Марям опа. — Ўлкамизга Наврўз ҳам кириб келаяпти. Албатта, ушбу байрамга катта тайёргарлик кўраёпмиз. Маҳаллада айёмни 6 апрель кунини нишонлашга келишиб олдик. «Коммунал сервис» ширкат хўжалиги томонидан 30 та кам таъминланган оила коммунал тўловлардан озод қилинади. Қувончлиси, бизда қутлуг кунларда ёрдамга муҳтож оилалар, ногиронлар ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиб, моддий ёрдам кўрсатиш аънаёнага айланиб қолган.

57-милиция таянч пункти профилактика инспектори, кат-

та лейтенант Алишер Эгамбердиевнинг маҳалла фуқаролар йиғини раиси, маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда олиб бораётган байрамолди профилактика ишлари ҳам Наврўз тантаналарини тинч ва осойишта ўтказишга қаратилган.

Сафаримиз сўнггида ИИБ ҲООБ катта инспектори, капитан И. Қурбоналиев ва профилактика катта инспектори, капитан А. Холматовлар мулоқот ўтказётган 10-мактабга йўл олдик. Ҳозирги кунда мактаб ўқувчиларига нисбатан фибригарлик жиноятлари содир этилаётгани тўғрисида гапириб, ёшларни огоҳлантираётган А. Холматов сўзининг охирида бирор шубҳали шахс ёки буюмга кўзлари тушиши билан ички ишлар бўлими ишонч телефонларига кўнғироқ қилишларини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг йиғилганлар томонидан берилган саволларга жавоб берди.

Чирчиқ шаҳридан қайтар эканмиз, ички ишлар ходимларининг фидойилиги, жонқуярлиги, Наврўз байрамига кўрилаётган тайёргарлик катта таассурот қолдирди. Тинчлик, осойишталик барқарор бўлган жойда эса тантаналар мароқди ўтади.

Умидо БОЛЛИЕВА.

Хотинрабоб чўллари Сурхондарё вилоятининг энг чекка ҳудуди ҳисобланади. Айтиш мумкинки, бу табаррук замин мамлакатимиз жанубий дарвозаси, Амударёнинг ўнг соҳили — Афғонистон ва Тожикистон Республикалари билан чегарадош. Бир томони тоғ ва тепаликлар, бошқа томони асрий қумтепалар билан туташиб кетган ушбу гўшада турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек яшашади, меҳнат қилишади. Бу ерларга баҳор эрта келди. Шу тўғайли январь ойининг охирилари, февралдаёқ бодом гулади. Зардоли ва шафтоли аллақачон қишлоқни гулга буркади.



«Гулбаҳор» маҳалласини айланамиз. Бу жойда бунёдкорлик ишлари амалга оширилаяпти. Одамларнинг кайфияти кўтаринки. Профилактика инспектори, лейтенант Умид Маматалиев, «Хотинрабоб» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Олтибой Жумаев, маҳалла оқсоқоли Рустам Муатовлар ўзаро ҳамкорлик

қилишаётгани сабабли ҳудудда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлашда муносиб ютуқлар қўлга киритилаяпти.

— Маҳалла ва гузар Наврўз айёмига пухта тайёрланди, — дейди Рустам Муатов. — Фуқароларимиз билан сумалак сайли ўтказяпмиз. Маҳалла аҳли тотув. Ҳамма бир дастурхон атрофида ўтириб, шодиёнани

ЧЎЛГА БАҲОР ЭРТА КЕЛДИ

кўтаринки руҳда нишонлашаяпти.

Бажариллиши лозим бўлган ҳар бир иш, қувончли ва ташвишли кунларни хотинрабобликлар профилактика инспектори, фуқаролар йиғини раиси ва маҳалла фаолларисиз тасаввур қилишмайди. Улар ҳамиша аҳоли билан ҳамкор, ҳамнафас.

Термиз тумани ИИБ томонидан байрам кунлари аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, осойишталик ва жамоат тартибини сақлаш мақсадида фаоллар, маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда «Арсенал», «Антитеррор», «Қалъа» каби тадбирлар ўтказилди, профилактика ишлари олиб борилди.

Туманнинг энг чекка ва олис гўшасида яшаётган хотинрабобликлар ориятли кишилар. Улар ҳамиша ҳалол меҳнат қилиб келишган, ножўя ишларни хуш кўришмайди. Шу боис, бир йилда бу ерда битта ҳам жиноят содир этилмади. Қидирувдаги, ичкиликбоз ва гиёҳванд шахслар, нотинч

оилалар профилактика ҳисобда турмайди.

Фуқаролар йиғини раиси Олтибой ака бизни сумалак сайлига таклиф этди. Лейтенант Умид Маматалиев ҳам ўша ерда экан. Қишлоқнинг кайвонлари, кўп болали онахонлар сумалак қайнатишарди. Кимдир ўлан айтар, кимдир кўшиқ куйларди. Халқ минг йиллар оша ўз

удуми, урф-одати, куй-кўшигини шу йўл билан авлоддан-авлодга ўтказиб келаяпти.

Хотинрабобликларга кишининг ҳаваси келади. Гўё бу ерда ҳамма бир оила фарзандидек, барча бир дастурхон бошида. Уларнинг ўй-интилишлари, мақсадлари битта: юртда тинчлик, осойишталик ҳукм сурсин.

Қишлоқдан қайтар эканмиз, кекса отахон, ёши тўқсонни қоралаб қолган Маматмурод Шойназаров дуога қўл очдилар:

— Юртбошимиз омон, халқимиз тинч, юрт осойишта бўлсин! Элга фаровонлик, тўкин-сочинлик, тўй-тантана насиб этсин!

С. ОМОНТУРДИЕВ.



Ифор таратмоқда субҳи саболар, Баланг янграмоқда назму наволар, Қўлда тоғораю тилда дуолар, Наврўзни кутарлар бизнинг момолар!



НАВРЎЗ

БИРДАМЛИК АЙЁМИ

«Наврўз» сўзи форс тилидан олинган бўлиб, «нав» — янги, «рўз» — кун, яъни «янги кун» деган маънони англатади. Наврўз — шарқ халқларининг энг қадимий, ўлмас, ҳамшиша нурли, фараҳли байрамларидан биридир. У шу қадар қадимийки, ҳатто минг йиллардан бизга мерос қолган манбаларда ҳам унинг илк бор қачон, қаерда ва не сабабдан байрам қилинганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Шунга қарамай, ўша тарихий манбаларда Наврўз қадимдан байрам қилиб келинаётгани айтилади. Бу табаррук айём билан боғлиқ янада қадимий афсоналар, ривоятлар қаламга олинади.

Айрим маълумотларга кўра, Наврўзни байрам сифатида нишонлаш қадимги эронликларда милоддан аввалги 558-330 йиллардан бошлаб одат тусига кирган. Наврўз ҳақида энг тўла маълумотлар ва аниқ илмий хулосалар буюқ қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Қонуни Маъсудий» ва бошқа асарларида, Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнама» рисолида, Алишер Навоийнинг «Сади Искандарий» дostonида ёзиб қолдирилган.

Хусусан, Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Наврўз ҳақида шундай маълумотлар учрайди. Абдусамад ибн Алининг бобоси Абдулло ибн Аббосдан эшитган ривоятга кўра Наврўз куни Пайғамбаримиз Муҳаммад салло-

лоҳу алайҳи васалламга ҳолва солинган кумуш жом ҳадя қилинган. Пайғамбар: «Наврўз нима?» — деб сўраганларга. «Эронликларнинг улуг ҳайити», — деганлар.

Кейин Пайғамбаримиз ҳолвани «Кошки биз учун ҳар кун наврўз бўлса эди», — деган эканлар.

Шарқ дунёсининг энг буюқ файласуфларидан бўлмиш улуг аллома Умар Ҳайём «Наврўзнама» асарининг муқаддимасида шундай ёзади: «Наврўзнинг жорий қилиниш сабабини айтсак, у шундан иборатки, офтобнинг икки айланиши мавжуд. Уларнинг бири қуйидагича: офтоб ҳар 365 кечаюкуннинг 4/1 Ҳамал буржининг бир дақиқасига чиқиб кетган пайти ўзига яна қайтиб келади. Жамшид бу кунни тушунганидан кейин Наврўз деб атади ва байрам қилишнинг одатга айлантирди».

Юртимизда ўзининг яшил поёндозини ёйиб баҳор кезяпти, Она заминни гўзалликка буркаяпти. Тоғлардан эриб тушаётган зилол сувларнинг шилдираши, уйғонаётган дарахт қуртакларининг муаттар ҳидию, адирдаги қўйчивон найининг садоси билан қалбларга қувонч улашаётган баҳор фасли ҳар қачонгидан-да ўзгача тароват касб этаёттир. У келинчак либосига бурканган айём бўлиб келади. Биз уни Наврўзи олам дея атаймиз.

Асарда бу байрамни ўтказишнинг тартиблари тўғрисида ҳам сўз юритилган. Унда айтилишича, уй-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар билан безаш, ота-она, яқин кишилар билан дийдорлашиб келиш оддий халқ орасида ҳам одат тусига кириб қолган.

XI асрнинг улуг алломаси Маҳмуд Қошғарий «Девону луғотит-турк» асарида ўн икки мучал йиллари, ойлар, ҳафта ва кунлар тўғрисида, Наврўз борасида турли маълумотлар бериб, баҳор ва бу байрамга бағишланган халқ қўшиқларидан намуналар келтиради. Йиллар тўғрисида сўз юритар экан, Маҳмуд Қошғарий қадимда одамларнинг ов

қилиб, ҳайвонларни сув томон ҳайдаганларини, ўн икки жонзот сувдан ўтгач, йиллар ўша ҳайвонлар номи билан аталганини, сувдан биринчи ўтган жонивор сичқон бўлгани учун, йил боши унинг номи билан белгиланганини нақд қилади ва ўша ўн икки йил рўйхатини келтиради. Бу ақиданинг байрамга бевосита дахли бўлмаса-да, унинг хулосаси, барибир Наврўзга бориб тақалади. Чунки йилнинг биринчи куни Наврўздан бошлаб ҳисобланади.

Қадимда Наврўз куни одамлар идишларга доннинг етти хилидан экканлар ва униб чиқишига қараб, йилнинг қанчалик тўкин-сочин бўлишини тахмин қилганлар. Шун-

дан бўлса керак, ҳозирга қадар Наврўз куни етти хил дондан тайёрланган овқат дастурхонга тортилади. Анвойи, лаззатли таомлардан: дўлма, ҳалим, кўк чучвара, кўк сомса, сумалак ва бошқа баҳорий таомлар байрам дастурхонини безайди.

Сумалак — баҳорнинг энг тансиқ ва шифобахш таоми ҳисобланади. Сумалакни, асосан, аёллар тайёрлаб, қозон атрофида сўхбатлар қурганлар, чилдирма чалиб, ўйин-кулгу қилганлар, лапарлар ва эртақлар айтганлар. Давраларда турли чистонлар айтишлар, шеърхонлик, ҳазил-мутоиба, ўйин-кулгу сумалак пишгунча давом этган.

Дастлаб сумалакни арпа кўкатида тайёрлаганлар. Муҳаммад Пайғамбаримиз:

— Арпа уни тансиқ таомдир. Танангизнинг қуввати қочганда уни кўпроқ тановул қилинг, — деб айтганлар.

Наврўз Яратганнинг тенгсиз саховатидан нишона, она-табиатдаги мутаносибликнинг олий белгиси, содда қилиб айтадиган бўлсак, заминда қиш салтанати

ниҳоя топиши, оламда янги куннинг, янги фаслнинг бошланишидир.

Наврўзнинг яна бир кўркам хислати шундан иборатки, ушбу кунларда эски гина-қудратларни, ҳар хил ёмонликлар эсдан чиқарилган. Меҳроқибатли, мурувватли бўлиш, бева-бечораларнинг ҳолидан хабардор бўлиш, етим-есирларнинг кўнглини олиш сингари ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаятган фазилатлар ҳам Наврўзнинг моҳиятидир. Бундай табаррук, олижаноб ниятлар билан узвий боғлиқ байрамнинг одамзот томонидан чуқур эъозланиши, асло унутилмаслиги ва доимо яшаб қолиши табиийдир. Бу шунингдек, бирдамлик байрами ҳамдир. Миллати, динидан қатъи назар барча севиб нишонлайди.

Байрамда халқ сайли ўтказиш анъанага айланган. Бунинг учун азалдан қандай маблағ йиғилмаган. Халқ бу шодиёгани ўз фаолияти, ижоди билан эркин байрам қилган. Шу маънода ушбу халқ сайлида амалга оширилган ҳар бир тадбир (хоҳ маданий, хоҳ спортга оид) албатта кўнглилик асосида ташкил этилиши керак. Айниқса, баҳор бошланиши билан умумхалқ ҳашарларининг ташкил қилиниши, ушбу қадимий анъананинг янги, давримизга мос қирралари билан бойиб бораётганидан далолат беради.

Анвар КУРГАНОВ,
республика ИИВ Академияси ўқитувчиси, катта лейтенант.

ЭЛЕКТРОН НОДАВЛАТ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Шиддат билан ривожланаётган замонамизда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти беқиёсслигини изоҳлашга ҳолат бўлмаса керак. Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк даврларда фақат «Ўзбекистон» ва «Россия» телеканалларини томоша қилган бўлсак, бугунги кунда уларнинг сони 5-6 тага етди. Айниқса, ҳар бир вилоятда маҳаллий каналларнинг фаолият кўрсатаётгани ва улар билан ёнма-ён хусусий каналларнинг эфирга узатилаётгани ахборот тарқатиш жараёнининг нечоғли такомиллашиб бораётганидан дарак беради. Қуйида ёритилаётган мавзумиз нодавлат ва тижорат телерадиостудиялари фаолияти билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш тўғрисида»ги Қарори билан «Оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада демократлаштириш соҳасидаги ислохот-

ларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш Концепцияси» тасдиқланган эди. Унда оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришда демократик стандартларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил тadbирларни амалга ошириш, матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш жараёнининг зарур таркибий қисми сифатида уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш каби жуда муҳим йўналишлар белгилаб берилган.

Шунингдек, мазкур концепцияда давлат телевидениесини ислоҳ қилишнинг қонуний асосларини шакллантириш, жамоат телевидениесининг фаолият тартиби ва мақомини белгилаш, оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолияти ва ривожланиш манбаи-иқтисодий эркинлигини таъминлаш, айниқса, ахборот янгиликларининг замонавий бозорини ҳамда минтақавий нодавлат ва тижорат телерадио студиялари фаолиятини шакллантириш, бу соҳада гоаяр ва дастурларнинг ижодий рақобати учун шарт-

шароитлар яратиш борасида ҳам бир қатор муҳим ишларни амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Хўш, электрон нодавлат оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда қандай шаклланди? 2003 йилнинг декабрь ойида 50 та нодавлат телерадио компаниялари раҳбарлари иштирокида ўтказилган электрон оммавий ахборот воситаларини жиқлаштиришга бағишланган анжуман «Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг (ЭОАВМА) таъсис конференцияси»га айланиб кетган эди.

Мазкур ассоциациянинг Низоми ва Таъсис шартномаси қабул қилинди. Ассоциация аъзолари дастлаб ишни нодавлат телерадиостанцияларининг муаммоларини ўрганишдан бошлашди. Мазкур муаммоларни бартараф этиш билан бирга янги гоаяр ва чет эл тажрибалари асосида унинг шаклланиш жараёни давом этди.

Ўтган йилларга эътибор берадиган бўлсак, хусусий телеканалларнинг деярли барчасида хорижий фильмлар намойиш этиларди. Айниқса, уларнинг

тили, таржима қилинган вариантлари ҳам тушунарсиз бўларди. Шу билан бирга менталитетимизга, яъни урф-одатларимизга зид бўлган беҳаё фильмлар ҳам намойиш этилар эди.

Ўзбекистон ЭОАВМА хусусий телерадиоканалларга дастурларни узатиш ҳуқуқларини қонунийлаштириш, техник ва юридик камчиликлардан халос бўлиш, турли дастур ва фильмларни намойиш этишга доир лицензия масаласини ҳал қилишда яқиндан ёрдам берди. 2004 йил 7 сентябрда бўлиб ўтган ассоциация аъзоларининг йиғилишида 25 та нодавлат телестанциялари ўзаро бирлашиб, Ўзбекистон нодавлат телекомпаниялари телетармоғи (НТТ) ни ташкил этинди. НТТнинг асосий мақсади «Давлат тили тўғрисида» ҳамда «Муаллифлик ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ, биргаликда рақобатбардош ва миллий манфаатларимизга мос телемаҳсулотларни ишлаб чиқариш, ўзаро алмашиш, сотиб олиш ва трансляция қилишдан иборат. Телетармок эса республика ҳудудининг 70 фоиздан зиёд қисмини қамраб олган бўлиб, томошабинлари сони 20 миллион кишидан ошади.

Президентимиз қарори билан тасдиқланган «Оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада демократлаштириш соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш Концепцияси»да нодавлат минтақавий телерадиостудиялар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг мод-

дий - техника базасини ривожлантириш, ижодий фаоллигини кучайтириш борасида амалга оширилаётган дастурларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган тadbирларни амалга ошириш вазифаси ҳам алоҳида тadbир сифатида қиртилган бўлиб, бу борада ЭОАВМА бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Бир сўз билан айтганда, янги шаклланаётган ЭОАВМА жамиятнинг турли қатламларини бирлаштиришда, фуқаролик жамиятини барпо этишда фаол қатнашиб, замон талабларига жавоб берадиган нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг яхлит тизимини яратиш мақсадида телерадиостудияларнинг сифатли ва қизиқарли бўлишини таъминлашга интиломоқда.

Бизнинг ушбу мавзунинг ёритишдан мақсадимиз эса фақатгина Ўзбекистон ЭОАВМА тўғрисида маълумот беришдан иборат эмас, аввало, бугунги ахборот таҳдидлари кучайган бир пайтда биз кўраётган кўрсатувларни, эшиттиришларни кимлар тайёрлаётганилигини, уларнинг мақсади нима эканлигини билиб қўйишдан ҳам иборат. Ўзимизга панд-насихатларни, чиройли ўғитларни бераётган манбанинг нималиги ва уларни тарқатувчилар кимлигини билмасдан туриб, айтилган гапга ишониб қоладиган бўлсак жуда катта хато қилганимизни кеч пайқаб қолишимиз мумкин.

Шухрат РЎЗИЕВ,
ИИВ ШТБХ катта инспектори, майор.

САВОБЛИ ИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбек халқи инсон қадриятларини улуғ тутади. Топган бир бурда нонини яқин киши билан баҳам кўришга интилади. Саховат, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар байрамларда яққол намойён бўлади. Бир-бирига эзгулик улашиб, саховат-пеша кишилар эзгу амалларга қўл урадилар. Бу айниқса Наврўз байрамида кўпаяди. Ҳар ким қўлидан келганча савобли иш қилишга ҳаракат қилади.

Президентимиз «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак» деган сўзида аввало, халқимизнинг азалий қадриятлари мужассамланган, албатта. Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юртида ҳам меҳр-саховат кўрсатишда ибратли ишлар қилишяпти. Ҳар йили Наврўз байрами қувончини дили ўксик қалблар билан баҳам кўриш анъанага айланган. Ўтган йили қутлуғ айём арафасида Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 24-сонли, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридаги 14-сонли ва Бўқа шаҳридаги 15-сонли меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, байрам дастурхони ёзилган эди. Бу хайрли, саховат

тадбирида бир гуруҳ таниқли шоир ва ёзувчилар ҳам иштирок этиб, шеърлар ўқиб бергандилар. Таниқли хонандалар ижро этган куй-қўшиқлар болажонларнинг мурғак кўнгилларига олам-олам қувонч бағишлаган эди. Айниқса, курсантларнинг спорт ўйинлари тарбия-

ланувчилар томонидан илиқ кутиб олинган.

Олий ўқув юрти жамоаси бу йилги Наврўз байрамига янада пухта тайёргарлик кўришган. Улуғ айёмни кўтаринки руҳда кутиб олиш, анъанани давом эттириб, хайрли тadbирлар уюштириш режадан жой олган.

Инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиш, савобли ишлар қилиш аждоқларимиздан қолган буюк меросдир. Унинг бардавомийлигини таъминлаш йўлида бўлғувчи офицерлар ва уларнинг устозлари, сардорлари ҳам ибратли ишларни қилишяпти.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.



БАЙРАМБОП ДИЁР!

Юртимизда байрамлар фасли-баҳор кезмоқда. Мамлакат бўйлаб барча корхона, ташкилот, ўқув муассасаларида қадимий ва навқирон айём — Наврўз таралди авжида. Байрамлар заминимиз тинч, осмонимиз мусаффолигидан нишона. Зеро, юрт осойишта бўлсагина қувончу шодликлар ярашади. Биз, ички ишлар ходимлари шундай кунларда ҳам эл хизматида эканлигимиздан фахрланамиз. Сайллар, тантаналар, тadbирлар чоғида зиммамиздаги масъулият янада ошади.

Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ходимлари оммавий тadbирлар ўтказилган жойлар, маданият муассасалари, аҳоли гавжум масканларда ўз вазифаларини шараф билан адо этмоқдалар. Кўчалар ва жамоат жойларида тартибни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳам диққат-этиборда.

Ўтган йили юз берган Андижон воқеалари нафақат ички ишлар ходимлари, балки барча фуқароларни янада огоҳ бўлишга, тинчликнинг қадрига этиб, уни асраш учун ҳаммиша хушёр туришга чорлади. Бу борада вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан бир қатор тadbирлар ташкиллаштирилди. Ҳозир давом этаётган «Тозалаш» тadbирларида ҳам аҳоли осойишталигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш билан

бирга диний экстремизм, кўпоровчиликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Куну тун навбатчилик қилаётган автопатруль, отлик ва пиёда патруллар ўзларига бириктирилган ҳудудларда осойишталикни таъминламоқдалар. Ходимларимиз бошқа хизматлар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари билан ҳамкорликда иш олиб бораётганлари туфайли кўзланган мақсадга эришилмоқда. Маълумки, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар кўпроқ тунги пайтларда содир этилади. Шунинг учун тadbир давомида ҳужжатсиз юрган, уй-жойининг тайини йўқ, ичиб олиб безорилик қилаётган шахслар ва энгил табиатли аёллар бўлимга олиб келиниб, ҳужжатлар расмийлаштирилгач, тегишли жойларга юборилмоқда.

Минтақамизда халқ тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, бу йўлдаги ҳар қандай хавфга қарши курашиш, диний экстремизм ва кўпоровчиликларнинг олдини олиш учун куч ҳам, имконият ҳам етарли. Шахсий таркиб ҳар томонлама соғлом, жисмонан бақувват, дунёқараши кенг, жасур ва фидойи йигитлардан иборат. Улар ўтган йил давомида 300 га яқин жиноятни фош этишда қатнашган бўлишса, 70 дан ортиғини ўзлари очдилар. Хушёрликлари туфайли ҳеч

бир шубҳали шахс назардан қолмаяпти.

Куни кеча ҳудудда хизмат олиб бораётган катта сержант Р. Ёқуббоев билан сержант А. Нишонлар бемақсад юрган 40-45 ёшлар чамасидаги фуқарони кузата бошладилар. У автомобиллар турар жойидаги «Дамас» эшигини калит танлаш йўли билан очиб, машина ичидаги кийим-кечакларни ўғирлаб кетаётганда қўлга олинди. Милиция таянч пунктига келтирилиб, шахси аниқланганда Наманган туманида, яшовчи муқаддам судланган А. А. эканлиги маълум бўлди. Холислар иштирокида ундан далилий ашёлар — 6 та эркаклар костюм-шими олинди. Кийимлар ўз эгасига қайтарилди.

Шахсий таркиб хизмат баробарида жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича мунтазам машғулотларда қатнашмоқда. Вилоят ИИБ томонидан барча зарур шарт-шароитлар ярати берилгани, жамоада мустақкам тартиб-интизом йўлга қўйилгани, энг муҳими — тинчлик ва осойишталикни сақлашдек эзгу мақсадни ҳар бир ходим қалбдан ҳис қилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Белгиланган топшириқларни бажариш давомида фуқаролар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилиб, ҳар бир маҳалла ва жамоада

Огоҳлик — давр талаби

соғлом муҳит ҳукм суришига эътибор қаратиляпти. Чунки соғлом муҳит бор жойдагина миллий ғоя, ҳуқуқий маданият, она-Ватанимиз ва халққа муҳаббат туйғуси шаклланади. Бундай туйғуга эга ҳар бир инсон юрт манфаатларини ҳимоя қилишни энг муқаддас бурч деб билади.

Баҳодир РАҲМОНОВ,
Наманган вилояти ИИБ
ППХ
ва ЖТСБ бошлиғи,
подполковник.

УЛУҒ ФАЗИЛАТЛАРДАН БИРИ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Аллоҳ таолога беадад шукрлар бўлсинки, яна баҳор нашидасини суриш насиб этди. Яқин кунларда Наврўз байрамини нишонлаш шарафига муяссар бўламиз. Бу қутлуғ айём ислом динидан анча аввал пайдо бўлган. Қиш тугаб, баҳор бошланиши билан деҳқончилик қилиш учун далага чиққан кишилар ерга нима экиш ҳақида маслаҳат қилишган. Бу шунчаки йиғин бўлмай, халқ сайлига айланган. Деҳқончилик қилишда бир-бирларига кўмаклашишган. Уруғ, кўчатлар айрибошлашган, бунга муҳтожларга хайрия қилишган. Ана шу тариқа одамларда саховатпешалик фазилати мустақкамланиб борган. Шунинг учун ҳам бу байрамни саховат, мурувват, меҳр-оқибат намойён бўладиган айём дейилади.

Муҳаммад Пайғамбаримиздан саҳобалар Аллоҳ назарида қайси фазилатлар улуғ деб, сўраганларида санийлик, меҳр-шафқатли бўлиш деб жавоб берган эканлар. Саховат кўрсатиб, кишиларга моддий ёрдам берганининг бойлиги камайиб қолмайди, у элга бирни берса, Аллоҳ унга ўнни беради. Меҳр-шафқатли бўлишнинг улуғлиги шундаки, кишиларга меҳр кўрсатган, кечиримли бўлганга, Яратган ҳам меҳрибонлик қилади, гуноҳларини кечади.

Аллоҳ инсонларни яратар экан кимгадир бойлик ато этади, яна кимдир камбағал, ночор бўлади. Бу одамлар учун синов. Бойлар, бадавлат кишилар етим-есирларга, камбағал, ногирон, кекса, ёлғиз кишиларга саховат кўрсатиб, улуғ савоблар олиши мумкин. Қуръони каримда мискин, етим-есир, кексалар, беморлар, ночор кишиларнинг дуоси тез мустажоб бўлади, дейилган. Саховат кўрсатган кишига нисбатан унинг мурувватидан баҳраманд бўлганлар Аллоҳдан нима сўрасалар, шуни беради.

Президентимиз томонидан 2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили деб эълон қилинди. Ҳомийлик бу закот, фитр кабиларга ўхшаган фарз ёки суннат эмас, тоза инсонийлик виждонидан келиб чиқадиган амал. Айтайлик бир киши бемор ётган кўшнисига дори-дармон олиш учун пул берди. Ўғли ёки қизининг тўйини қилишга қийналаётган қариндошининг харажатларидан бир қисмини кўтариб юборди. Бу саховатларни улуғлашга беҳисоб илиқ сўз айтса арзийди. Оғир кунда суянчиқ бўлган кишига ҳар қандай имонли инсон чин дилдан миннатдорчилик билдиради. Ҳар битта айтилган яхши тилакка фаришталар омин деб туради.

Қутлуғ Наврўз кунларида айниқса, меҳр-оқибат, мурувват эшиклари кенг очилади. Байрам муносабати билан кексаларни йўқлаган, беморларнинг ҳолидан хабар олганларнинг ҳар бир қадамига савоб ёзилади. Мана шундай фараҳбахш кунларни кўришни насиб этган Аллоҳ таолога шукроналар айтиб, кишиларга меҳр-оқибат, мурувват, саховат кўрсатиб яхши тилаклар билдирсак, барча орзу-умидларимиз ижобат бўлади, иншооллоҳ.

Қосим ҚОРИ МУЛЛАБОВ,
Тошкент шаҳридаги «Катта Қозиробод»
жамеъ масжиди имом-хатиби.

СУМАЛАК — ЎТТИЗ МАЛАК

Ровийлар андоқ ривоят қилурларким, илк бор Биби Фотима онамиз сумалак пиширган эканлар. Бир кун у кишининг болалари оч қолишибди. Овқат пишириб берай десалар, уйда қозонга солгудек ҳеч вақо йўқ экан. Ушанда эндигина қиш чиқиб, баҳор кўкатлари бош кўтараятган маҳаллар экан.

Биби Фотима онамиз ҳовлининг бир четига кузда бир ҳовуч дон сепган эканлар. Қарасалар, дон кўкариб, майсалаб қолибди. Дарҳол шу майсани ўриб келиб, майдалаб қозонга солиб, яхшилаб аралаштириб, устидан сув куйиб, қозон тагига ўт қалабдилар. Қозонни бир оз кавлаб ўтиргач, болаларига қўшилиб ўзлари ҳам ухлаб қолибдилар.

Эрталаб уйғониб қарасалар, ўттиз нафар фаришта ўчоқ бошида қозонни кавлаб, овқат пишираётган эмиш. Шу-шу бу таом сумалак — ўттиз малак деб ном олган экан...


Сумалакка солинадиган буғдой ва ун бутун қишлоқ аҳлидан йиғиб олинган. Қозон тагига кун ботиши олдидан олов ёқиб, то тонг отиб, куёш чиққунча узлуксиз ўтин қалаб, қайнатиб турилади.

Сумалак пиширилгандан сўнг ҳамма янги либосларини кийиб оларкан. Янги кийими йўқлар эса, жим-жилоғига тоза мато бўлагини боғлаб кўйса ҳам савоб олади деб нақд қилишади.

Суннат қилинган болалар тезроқ улғайиб, воёга етсин деган умидда чопонларига буғдой майсаси тақиб кўйилади.

Сумалак пишираётганда фарзанд кутаётган ёки бефарзанд аёлларга буғдой майсаси берилади. Улар майсани исирга қилиб қулоқларига тақадилар. Бу билан келаятган янги йилда фарзандли бўлишни ниёт қиладилар.

Алишер ИСОМИДИНОВ
тайёрлади.



«ХАМАЛ КИРДИ» АМАЛ КИРДИ»

Менинг болалик йилларим ўтган асрнинг унинчи йилларига тўғри келган. Қишлоғимизда одамлар тарқоқ, у ер-бу ерда беш-олти хонадон бўларди. Лекин қарда тую маърака бўлса, деярли ҳамма иштирок этарди.

Хотирамда қолганларидан кўпроги Наврўз байрамидир. Болалик тасаввуримдаги улкан қозонни от-аравада олиб келишганини эсламан. Ундирилган бугдойни ўғирда туйиб, суви сиқиб олинарди. Биз болалар учун энг қизиқи қозон тепасида ўтирган аёлларнинг лапар айтиб ўйинга тушиши, уй эгасининг ширинлик улашиши эди. Ҳар биримизда ёғочдан ясалган кичкина куракча бўлиб, сумалак сузилгандан кейин қозон четини унда қириб олардик. Жуда

хайрли ишларни бадавлат, ўзига тўқ, катта ер эгалари қилишарди.

Шўролар даврида бундай азалий анъаналаримиз тобора эътибордан четда қола бошлади. Бироқ Наврўз таомларидан сумалак пишириш анъанаси йўқолмади. Ўттинчи йилларнинг бошларида очарчилик бошланди. Ейишга нон топилмасди. Бир аёл баҳорда сепиш учун сақлаб қўйилган бугдойдан озгина чегириб, сумалак пишириб кўни-кўшнларга улашгани ёдимда. Ўшанда аёлни бу иши учун халқ душманига чиқаришган.

Наврўзни диний байрам деб, ҳатто сумалак пиширишга ҳам руҳсат берилмаган йилларни бугун эсламай илож йўқ.

Аллоҳга шукрлар бўлсин, ана шундай шўроларнинг нотўғри сиё-



ширин бўларди. Қайси хонадонда пиширилмасин, сумалакни буювим сузардилар. Биринчи навбатда биз, болалар сопол товоқларга солинган сумалакларни қишлоқнинг кекса кишиларига олиб борардик. Ундан кейин пиширишда иштирок этган аёллар олишарди. Икки-уч чақирим наридаги хонадонларга ҳам тарқатиларди.

Болаликда яхши тушунмас эканман. Гоҳида узокроқ хонадонга бориб келишга оғринардим. Ҳамқишлоқлар ўртасида меҳроқибат кучли бўлган экан. Катта қозонда пишган сумалакдан катта-ю-кичик, кекса-ю-ёш баҳраманд бўларкан.

«Ҳамал кирди — амал кирди» деганларидек, экин-тикин ишлари ҳам Наврўз келгандан кейин бошланарди. Ҳозиргидаги тракторлар қаёқда дейсиз. Ҳўкиз, от қўшилган омоч билан ер ҳайдалиб, кетмонда эгат олинарди. Далага чиқилишнинг ўзи катта байрам бўларди. Кўкламнинг илиқ кунларига етиб келганимиз учун Яратганга шукрона айтиб, жонлик сўйилиб, ош дамланарди ва дала тепасида дастурхон ёзиларди. Албатта, бу

сати совун кўпигидай ёрилиб кетди. Мустақиллик туфайли яна Наврўз байрами қайтиб келди. Удум, урф-одатлар тикланди. Энг муҳими, одамлар ўртасида меҳроқибат, саховат кучайди.

Бугун умрим далада, боғда меҳнатда ўтипти. Фермер хўжаликлари тузилганда ярим гектар узумзор сўраб олдим. Ҳалемай боғ юмушлари бошланади. Баҳорни яхши кўраман. Чунки деҳқон, боғбонлар учун иш қайнайди. Меҳнат қилган эса кам бўлмайди.

Бу йил Наврўз янада тантанавор ўтиши шубҳасиз. Чунки баҳор эрта келди, мевалар эрта гуллади. Дала-ларда одатлагидан беш-ўн кун аввал экин-тикин бошланди. Бу тўкин-сочинлик бўлишидан нишона.

Улуғ айём арафасидаги тилагим, юртимиз тинч, элимиз омон бўлсин. Тинчлик, осойишталикни сақлаш йўлида хизмат қилаётганларнинг эзгу ишларида Аллоҳ мададкор бўлсин. Қутлуг байрам ҳар бир хонадонга фаровонлик келтирсин. Яхши ниятли кишиларни Яратганнинг ўзи ёрлақасин.

Ҳаким ҲОСИЛОВ,
Тошкент тумани.

Наврўзни нишонлаш одамларнинг Ер ҳақидаги дастлабки илмий-географик тасаввурлар пайдо бўлган замонлардан бошлаб шаклланган. Дастлаб байрамни ўтказиш ўтроқ деҳқонларда расм бўлган, кейинчалик улар орқали ярим ўтроқ ва кўчманчи туркий халқларнинг ҳам урф-одатларига айланган.

Байрамлар турли гуруҳлар ҳаётида ўта муҳим аҳамият касб этган хўжалик фаолияти — деҳқончилик билан бир вақтда шаклланган. Шундай қилиб, бугунги кунда Наврўзнинг бундан 4 минг йил бурун бизнинг ўлка-мизда пайдо бўлганлиги илмий жиҳатдан исботланган.

Наврўзнинг байрам килиниши

теран халқ анъаналари, ерга ва табиатга эҳтиёткорлик билан муносабат, деҳқон меҳнатини эъзозлаш, яхши кўшничлик, ҳомийлик, меҳр-муруват ва ўзгалар дардига малҳам бўлишга интилишлар тикланишининг қудратли омилига айланган.

Деҳқонлар ҳаёти, меҳнати ва ҳосилни йиғиш муносабатига бағишланган байрамларнинг кўпчилиги бевосита зардуштийлик анъаналари билан боғлиқдир. Ерга уруғ қадаш бошланганда «Далага қўш чиқариш», «Шохмой», «Экин сайли», «Қўш оши» маросимларини ўтказганлар. Ҳосилни йиғиб олишда эса «Она бугдой», «Хирмон тўйи», «Ҳосил байрами» каби тантаналар бўлган. «Она бугдой» маросимида охирги тутам бугдой «Она бугдой» деб аталиб, у ўриб олинганидан сўнг, уйнинг тўрига осиб қўйилган ва кўкламгача авайлаб сақланган. Баҳорда унинг бир қисмидан нон (патир) ёпилиб, далага дон сепишга чиққан деҳқонларга улашилган. Қолган қисмидан эса, уруғлик сифатида фойдаланилган.

Қадимдан Ота маконимиз халқларининг сувга бўлган эътиқоди жуда баланд эди. Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида сувга бағишлаган одатлар ҳақида кўп тўхталган. Жумладан, қадимги «Наврўз» одатларининг бири ҳақида: «Одамлар шу кун тонг пайтида ўринларидан туриб канал ва ҳовузларга борадилар. Кўпинча оқиб турган сувлар-

га рўпара туриб, баркамол бўлиш ва офатларни даф этиш учун устиларидан сув қуядилар», деб ёзганди. Шунга таъкидлаш лозимки, «Наврўз» кунни одамларнинг бир-бирига сув сепиш одати яқин даврлар-

ҚАДИМИЙ ВА УЛУҒ АЙЁМ

га қадар сақланиб келганди. Ўзбекистон ҳудудининг лалмикор ерларида ҳатто сув сепиш одати асосида қадимдан махсус уюштириллаган

мий байрамлар қаторидан чиқариб ташланди. XX асрнинг 30-йилларидаги динга қарши кураш ва қатағон сиёсати оқибатида эскилик сарқити, диний байрам сифатида қораланди. Ўша пайтда миллий байрамларни йўқ қилиш мустамакчиликнинг ўзига хос кўриниши сифатида намоён бўлган эди. Миллатга беғона ва ёт бўлган, унинг миллий-маънавий қадриятларига тўғри келмаган урф-одат, анъаналарни киритиш орқали халқ турмуш тарзини ўзгартириб юборишни мақсад қилиб қўйган эдилар.

Ниҳоят, 1991 йил мартда Наврўзни доимий равишда умумхалқ байрами сифатида ўтказиш тўғрисидаги ҳуқуқий асос — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Наврўз»

умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақидаги Фармони эълон қилинди. Наврўз байрами — дам олиш кунни деб белгиланди.

Наврўз шаксиз кўпгина халқ айёмларининг негизи ҳисобланади. Бу куннинг энг катта фазилати шундаки, у одамларни бир-бирига яқинлаштиради, дўстлаштиради. Байрам кунларида қариндошлар ва кўшнлар бир-бирларини йўқлайдилар, совғалар йўллайдилар, зарур бўлса ёрдам берадилар. Одамлар ўртасида хафагарчилик, адоват, гинакудратни унуттишга ҳаракат қилинади. Уришганлар ярашадилар. Ёшлар кексаларни зиёрат қиладилар.

Наврўз эл суйган шахслар, аждоллар хотирасини эъзозлаш билан ҳам боғлиқ айёмдир. Биз ҳар йили бу кунларда азиз марҳумлар руҳини ёдга оларканмиз, бевосита қатор ривоятлар мағзига васиятдек сингдириб қолдирилган кўҳна инсоний анъаналарни давом эттирган бўламиз.

Бугун Наврўз Мустақиллик мазмуни билан уйғунлашиб кетди. Наврўзни янги орзумидлар, баҳор ва яшариш маъноси билан бирга, миллий раванқ, миллий тараққиёт, буюк келажак учун интилиш гоёлари ила муштарак ҳолда англамоқдамиз.

Наврўз байрами орқали халқимизнинг бой миллий мероси қайта тикланмоқда. Жойларда маданиятимиз негизлари, миллий қадриятларимизга янгидан ҳаёт бахш этилмоқда. Наврўз мустақиллик ҳамда элнинг ўзига хос ва мос бўлган бой миллий маънавияти негизлари билан уйғунлашиб бормоқда.

Бахтиёр ИСҲОҚОВ,
тарих фанлари номзоди..

АЙЁМ НАШИДАСИ

Ўлкамизда Наврўз эшик қоқмоқда. Жойларда аллақачон айём тантаналари бошлаб юборилди. Одатлагидек болажонларимиз баҳорги таътил бошланиши олдидан улуғ байрам шодиёналарини нишонлаптилар. Чунончи, кунни кеча пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 9-ўрта мактабда Наврўз шодиёнаси ўтказилди.

Ўқувчилар устозлари раҳбарлигида қадимий айёмни ҳар қачонгидан файзли ўтказишга ҳаракат қилдилар. Миллий анъаналаримиз мактаб ўқувчилари ижросида янада гўзал тус олди. Тантананада ўқувчиларнинг баҳор, Наврўзни улуғлаб ўқиган шеърлари, бадий чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди. Миллий либосларда кўшиқлар айтиб, рақсга тушган ҳаваскор ўқувчилар кечага янада файз киритишди.

Динара САЪДУЛЛАЕВА.

Суратда: Наврўз байрамидан лавҳа.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.





ROSTDA-TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДТВ, душанба
0.00 «ВАСИЙ» («ОПЕКУН»)

«Сахродаги бўрон» операцияси энг авжига чиққан чоғида, шайтоннинг тимсоли бўлган ёвуз мавжудот Тэл-Ал эркинликка чиқади. Бунга денгиз пиёдачиси Жон Кросс гувоҳ бўлади. У ишончли шериги билан шаҳарда авж олган зўравонликни тўхтатишга ҳаракат қилади. Билмайдики, бунга иблис Тэл-Ал тарқатаётган кучли гиёҳвандлик моддаси сабаб бўлаяпти.

Ролларда: Мигель Феррер, Жеймс Ремар, Марио Ван Пиблз.



СТС, сешанба
23.30 «СЎНГИ ЛАҲЗАДА» («В ПОСЛЕДНИЙ МОМЕНТ»)

Оддий ҳисобчи Жин Уотсон собиқ хотинининг дафн маросимидан қайтаётиб жаноб Смит ва Жонс хоним билан танишиб қолади. Улар Уотсоннинг қизини ўғирлаб, ўта оғир шарт қўйишади. Яъни қизи тирик қолиши учун Жин губернаторни ўлдириши лозим. Унинг ихтиёрида бир соату ўн беш дақиқа вақт, фотосурат ва олтита ўқ жойланган тўппонча бор.

Ролларда: Жонни Депп, Кортни Чейз.



ДТВ, чоршанба
0.00 «КУЗАТУВЧИ» («НАБЛЮДАТЕЛЬ»)

Федерал тергов бюроси (ФТБ) агенти Жоэл Кемпбелл саккиз йил мобайнида бир ашаддий қотилни излайди. Охири унинг изига тушишнинг иложини қилолмагач, ҳам жисмонан, ҳам руҳан чарчаб, истеъфога чиқади.

Бошқа шаҳарга кўчиб кетади. Бу ерда ором олиб, янгича ҳаёт бошлашига умид қилади...

Ролларда: Киану Ривз, Шенни Мак Шейн, Роберт Чиччини.



ТВ3, пайшанба
1.00 «ҚОТИЛНИНГ ХАТЛАРИ» («ПИСЬМА УБИЙЦЫ»)

Рэйс Дарнелл ўлим жазосига ҳукм этилган. Бир неча йил қамоқхонада бу ҳукм ижро этилишини кутиб ётади. Ўтган давр ичида тўрт аёл билан ёзишмалар олиб боради. Рэйсни ёмон кўрадиган кўриқчи хатларни атайлаб алмаштириб жўнатади. Ўзи алданиб юрганидан хабар топган аёллардан бири Дарнеллга йўллаган хатида ундан ушбу қилмиши учун ўч олишини ёзади. Бу орада ҳимоячисининг саъй-ҳаракатлари туфайли Рейс оқланади.

Ролларда: Пэтрик Суэйзи, Элизабет Рушио.



ОРТ, пайшанба
1.00 «ФИРТ ТЕНТАК ЭКАНСАНКУ!» («НУ, ТЫ И ПРИДУРОК!»)

Бошловчи журналист Оуэн ҳангу манг бўлиб қолган, қайғуга ботган. Сабаби севгилиси Хлос Лос-Анжелесга машҳур телебошловчи бўлиш учун борганида бошқа бировни севиб қолади. Оуэн бир неча ой аламзада бўлиб юради. Аммо кейин Надин исмли камтарин, гўзал қизни яхши кўриб қолади.

Ролларда: Дэвид Крамхольц, Мила Йовович, Уильям Болдуин.



ТНТ, жума
2.10 «ЁШЛИК, КАСАЛХОНА, МУҲАББАТ» («МОЛОДОСТЬ, БОЛЬНИЦА, ЛЮБОВЬ»)

Тиббиёт институтида таълим олаётган бир гуруҳ талабаларни амалиёт ўтагани шаҳар касалхонасига юборишади. Уларнинг даволаш муолажаларидан сўнг шифохона тартибсизга аҳволга келади: суюқ дорилар ичида тилла балиқлар сузиб юради, муолажа хонасида масхарабозлик қилишади, операция чоғида эса янгича наркоз турини қўллашади.

Ролларда: Шон Янг, Гари Фридкин, Майкл Маккин.



НТВ, шанба
1.35 «ҚОРА КИЙИМДАГИ ЯХШИ ЙИГИТЛАР» («ХОРОШИЕ ПАРНИ ОДЕТЫ В ЧЕРНОЕ»)

Вьетнамдаги уруш тугагач, майор Жон Букер бошчилигидаги «Қора йўлбарслар» махсус отрядига асирга тушган америкалик ҳарбийларни озод қилиш вазифаси топширилади. Отряд пистирмага дуч келиб, бор-йўғи бир неча жангчи тирик қолади. Орадан беш йил ўтиб, уларни кимдир бирин-кетин отиб ўлдира бошлади...

Ролларда: Чак Норрис, Энн Арчер, Ллойд Хейнс.



РТР, якшанба
23.25 «ТЎҚНАШУВ» («СТОЛКНОВЕНИЕ»)

Лос-Анжелесда икки кун мобайнида бир неча воқеа юз беради. Улар ўзаро боғлиқ. Бунинг устига турли одамлар алоқадор. Иштирокчилар орасида изкувар, унинг гиёҳванд онаси, машина ўғрилари, округ прокурори, унинг тантиқ хотини, ирқчиликни тарғиб қилувчи кекса полициячи, унинг шериги ва бошқалар бор...

Ролларда: Сандра Баллок, Дон Чидл, Мэтт Диллон.

«Ўзбекистон» телеканал

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.50 «Олтин мерос».
8.55 «Олам ва одам» дастури: «Юлдузнинг туғилиши».
9.55 «Камалак» экран.
10.45 «Наврўз нашидаси».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Одами эрсанг...»
11.40 С. Аҳмад. «Келинлар кўзголини». А. Хидоят номидидаги ўзбек давлат драма театрининг спектакли. 1-қисм.
13.00 «Келинлар кўзголини». Спектакль. 2-қисм.
8.10 17.10 5.10 Хоккей. Чемпионат России. Женщины. .00 10.00 Веселые старты.
11.00 22.00 5.00 Музыкальный трек.
11.10 «ПОХИЩЕНИЕ ЧЕМПИОНА». Худ. фильм.
13.00 20.30 21.30 Диалоги о рыбалке.
13.30 F-1. Ретро.
14.30 0.30 «Motorsport Mundial». Журнал мирового автоспорта.
15.00 0.00 6.00 7 дней спорта.
15.10 20.00 0.10 3.10 NBA Live!
15.30 23.00 Бега и скачки.
16.00 1.30 Гольф.
16.30 1.00 Gillette World Sport.
18.00 21.10 23.40 4.00 AutoFashion.
18.10 4.10 Дартс. Чемпионат мира.
19.00 Rally Action. Racing Action. Обзор.
20.10 3.00 Магия оружия.
21.00 23.40 2.00 Звезда автострады.
22.10 Волейбол. Чемпионат России. «Заречье-Одинцово» - «Динамо».
23.00 3.30 Бега и скачки.
2.10 6.10 Покер. Мировой тур.

«Ўзбекистон» телеканал

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Камалак» экрани.
9.40 «Саломатлик сирлари».
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 «Юсуф ва Зулайхо». Видеофильм. 5-қисм.
11.35 «Қалпок». Ҳажвий кўрсатув.
12.05 «Наврўз кўшиқлари». Хулкар Абдуллаева куйлайди.
12.30 «50x50». Ток-шоу.
13.20 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
13.30 «Севги фазоси». Бадийий фильм.
15.05 «Оҳанрабо».
15.50 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадийий фильм.
«Болалар сайёраси»:
17.10 1. «Олтин тож». Телеуйин.
2. «Жажжи пари». Мультфильм.
17.55 «Портретга чизгилар».
18.10 «Оқшом наволари».
18.30 «Заковат». Интеллектуал ўйин.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оддий ҳақиқатлар».
21.00 «Тахлилнома».
21.45 «Наврўз наволари».
22.05 «СINEMA.UZ».
22.25 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
22.35 «Кўзларинг маъюс». Бадийий фильм. 2-қисм.
23.35-23.40 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканал

6.25 Дастурнинг очилиши.
6.30 «ЯНГИ ТОНГ». Ахборот дам олиш дастури.
8.00 «Бемби». Мультфильм.
9.10 Шум болалар.
9.25 «Нахотки сен». Бадийий фильм.
11.10 Якшанба нонуштаси.
11.40 Бола тилидан.
12.15 «Наврўзи олам муборақ!»
14.00 «ЯНГИ КУН». Ахборот дам олиш дастури.
15.05 Ишдан кейин.
15.20 Давр спорти.
15.35 Болалар экрани: Яхши ишлар бюроси.
15.55 Ёнимдаги бахт.
16.00 Ринг қироллари.
16.50 Чемпион сирлари.
17.10 «Ханда» ижодий гуруҳи тақдим этади: «Кўшқулук».
17.25 «Мўйқалам сеҳри». Файзулла Аҳмадалиев.
17.55 «Таманно». 3-қисм.
18.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 «Кўхна замин оҳанглари» 1-қисм.
20.35 Оқшом кўнғироқлари.
20.40 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин.
21.40 «Ватан бўйлаб хониш этаман!» Анвар Санаев.
22.20 Эълонлар.
22.25 «Ёшлар» да премьераси: «Чимилдиққа отилган ўк». Бадийий фильм.
0.10 Дастурнинг ёпилиши.

«Тошкент» телеканал

«8.00-13.00» гача, инфор- мацион мусикий дастур.

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 Болажонлар экрани.
18.40 ТВ анонс.
18.45 «Хамшаҳарлар». (так- рор).
19.20 «Табриклаймиз-кут- лаймиз».
19.45, 21.20 «Телекурьер маркет».
20.00 «Журналист тахли- ли».
20.20 «Тв-анонс».
20.25 «O'zbektelefilm» студияси намойиш этади: «Тандир, арча, олов».
20.40 «Экспресс» телегазе- таси.
20.50 «Туризм ҳақида».
21.35 М. Исмоил. «Ой чиқ- маган оқшом». 1-қисм.
22.20 «Экспресс» телегазе- таси.
22.30 М. Исмоил. «Ой чиқ- маган оқшом». 2-қисм.
23.15-23.20 Хайрли тун. шаҳрим!».

«Sport» телеканал

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (Рус тили- да)
9.10 Мультфильм.
9.20 «Умницы и умники».
10.00 «Новости».
10.10 «Непутевые замет- ки».
10.30 «Пока все дома».
11.20 «Кувноқ стартлар».
12.00 «Рақибингиз грос- смейстер».
12.20 «Кўнғилга йўл». Бадий- ий – публицистик кўрсатув.
12.45 «Бальто-1». Мульт- фильм.
14.00-14.30 «Ералаш».
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпиони. «Локомотив» (Тошкент) – «Шўртан» (Фузор) (Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилди)
17.50 «Болалар спорти».
18.30 «Версия». Информа- ционно-аналитическая программа.
19.00 «Спорт уик-энд». Дам олиш дастури.
19.40 «Тайм аут».
20.00 «Вести».
21.00 «Ялла». Начало...
21.30 «Талқин». Информа- цион-тахлилий кўрсатув.
22.00 «Любовь и голуби». Худ. фильм.
23.20 Жаҳон спорти: «Евро- футбол».
0.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05, 11.00, 16.45, 19.00 Телехамкор
9.20, 14.50, 16.20 Детский час
9.50 Мультфильмы
11.15 Волшебная лампа Алладина, сказка
13.10 Мусикий табасум
13.30 Хит-парад – плюс
14.30 Шоу-бизнес янгилик- лари
15.30 Аёллар орзуси
16.00 Хикоя
17.00 Худ. фильм, «Из 13 в 30»
18.30 Сўғдиёна
19.15 Ошиқона
20.00 30 кадр
20.30, 21.30 Мусикий та- бассум
21.00 Ёнимиздаги одамлар
22.10 Премьера «Бандитки

ОРТ

5.40 Фильм «Десять не- гритят»
6.00, 10.00, 12.00 Новости
6.10 «Десять негрят» Продолжение
8.20 Служу Отчизне!
8.50 Дисней-клуб
9.20 Умницы и умники
10.10 Непутевые заметки
10.30 Пока все дома
11.20 Веселые картинки
12.10 Живой мир
13.10 Жестокое шоу Чарльза Линдберга
14.00 «Ералаш»
14.30 Новые песни о глав- ном - 2006
16.00 Футбол. Чемпионат России. II тур. ЦСКА - «Шинник»
18.00 Времена
18.50 Империя
20.00 Кто хочет стать мил- лионером?
21.00 «Время»
21.45 Прик. фильм «Италья- янец»
23.40 Бокс.
0.30 Суперчеловек
1.30 Детектив «Идеальное преступление»
3.20 «Черные ангелы»
4.10 Природа вещей
4.40 Спецрасследование

РТР

6:00 Доброе утро, Россия!
7:20 Сельский час.
7:45 Бинго миллион
8:00, 11:00, 14:00, 20:00 ВЕСТИ.
8:20 Русское лото
8:30 Мультфильмы.
9:00 Фильм «Золотая речка»
11:20 Городок
11:55 Сам себе режиссер
12:45 Смехопанорама
13:15 Парламентский час
14:20 «Фитиль»
15:05 Великолепная восьмерка
15:50 Фильм «Собачьё сердце»
18:05 Аншлаг и Компания
21:00 Специальный кор- респондент
21:25 Фильм «Жизнь одна»
23:35 Фильм «Столкнове- ние»
1:50 Комедия «Придуток»
3:50 СЕРИАЛ «Прочная сеть»
4:40 Евроньюс

НТВ

6:40 СТРАННЫЕ ДНИ НА ПЛАНЕТЕ ЗЕМЛЯ
7:30 Детское утро
8:00, 10:00, 13:00, 16:00 , 19:00 СЕГОДНЯ
8:20 Комедия «ДЖОУИ»
8:45 ИХ НРАВЫ
9:25 ЕДИМ ДОМА
10:20, 20:30 ЧРЕЗВЫЧАЙ- НОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ
10:50 TOP GEAR»
11:30 ЦЕНА УДАЧИ
12:20 РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ
13:20 СТИХИЯ
14:00 Комедии «КИТАЙС- КИЙ СЕРВИЗ»
16:20 ОДИН ДЕНЬ

16:55 СВОЯ ИГРА
17:55 Сериал «МОРСКИЕ ДЬЯВОЛЫ»
19:50 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
20:55 «БАНДИТСКИЙ ПЕ- ТЕРБУРГ-7»
22:00 ВЕЧЕР С В. СОЛО- ВЬЕВЫМ
23:30 Сериал «ЗОНА»
1:10 «ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ»
1:45 Комедия «МУХОЛОВ- КА»
3:35 АНАТОМИЯ ПРЕ- СТУПЛЕНИЯ
4:25 Фильм «НЕВИНОВ- НЫЙ»

ТВ 3

8.30 Жизнь, полная радо- сти.
9.00 Мультфильмы
11.00 Фильм «КРУТОЙ ВИРАЖ»
12.50 Фильм «КУБАНС- КИЕ КАЗАКИ»
15.00 Осторожно, модерн!
15.30 Курьер
16.00 ВЛАСТЬ ОГНЯ
18.00 Фильм «ЛУЧШИЕ ИЗ ЛУЧШИХ-4»
20.00 Осторожно, модерн!
21.00 Фильм «ЗАЙМЕМ- СЯ ЛЮБОВЬЮ»
22.45 Фильм «ОЗЕРО ПРИЗРАКОВ»
1.00 Сериал «БЕССМЕР- ТНЫЙ»
2.00 Сериал «МУТАНТЫ ИКС»
3.00 Фильм «ПЧЕЛЫ- УБИЙЦЫ»
5.00 Сериал «БЕССМЕР- ТНЫЙ»

ДТВ

9.30 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ»
10.05 Для милых дам.
10.40 Мультфильмы
12.20 «СПАРТАК И КА- ЛАШНИКОВ»
14.30, 4.50 Сара Джесси- ка Паркер
15.25 «СПРУТ»
16.30 Время - деньги
16.55 «БАНДИТСКИЙ ПЕ- ТЕРБУРГ»
19.05 Самое смешное ви- део.
19.35 Этот безумный мир
20.00, 2.15 Шоу россий- ских рекордов.
21.05 «И НА КАМНЯХ РА- СТУТ ДЕРЕВЬЯ»
0.15 Детектив «С.С.1 МЕ- СТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАС- ВЕГАС-2»
3.15 Техногенные ката- строфы
4.20 Осторожно, афера!
5.30 Время - деньги

ТНТ

7.00 Неизвестная плане- та
7.25 Мультфильмы.
9.10 Каламбур
9.35 Фигли-Мигли
10.00 Охотник на крокоди- лов
11.00 «КОМПАНЬОН» Ко- медия

13.30 Школа ремонта
14.30 Каламбур
15.00, 20.00, 1.20 ОФИС
16.00, 21.00 23.30 Дом-2
17.00 САША + МАША
17.3, 23.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ» Комедия
18.00 Школа ремонта
19.00 Фигли-Мигли
19.30 Москва: инструкция по применению.
22.00 Комеди Клуб.
0.00 «Секс» с Анфисой Чеховой.
0.30 Правила секса
1.00 Наши песни.
2.20 «КОМПАНЬОН» Коме- дия

СТС

8.00 «БИТВА ЗА ОСТРОВ СОКРОВИЩ». Худ. фильм.
9.35, 11.30 Мультфильм
11.00 Улицы Сезам
12.00 Кино «КЛИФФОРД»
14.00 Жизнь прекрасна
16.00 Снимите это немед- ленно
17.00 Фильмы На краю жизни
18.00 Истории в деталях
18.30 «НЕ РОДИСЬ КРА- СИВОЙ»
23.00 Кино «С МЕНЯ ХВА- ТИТ»
1.30 6 кадров
2.00 Кино «8 ЖЕНЩИН»
4.15 Кино «МОРЕ ДУШ»
7.10 Музыка

7 ТВ

7.00 Акробатический рок- н-ролл.
8.00 17.00 Назло рекор- дам.
8.10 Баскетбол. Чемпи- онат России. Женщины
9.00 10.00 Веселые стар- ты.
11.00 7 дней спорта.
11.10 22.00 5.00 Музы- кальный трек.
11.30 «ЧЕРНЫЙ МЯЧ». Худ. фильм.
13.00 Диалоги о рыбалке.
13.30 23.00 Rally Action. Racing Action. Обзор.
14.30 20.30 1.30 «Motorsport Mundial». Жур- нал мирового автоспорта.
15.00 2.00 6.00 AutoFashion.
15.10 20.00 0.10 3.10 NBA Live!
15.30 21.30 Бега и скачки.
16.00 21.00 Гольф.
16.30 3.30 Gillette World Sport.
17.10 Водное поло. Чем- пионат России.
18.00 0.00 4.00 Звезда автострады.
18.10 4.10 Дартс. Чемпи- онат мира.
19.00 0.30 F-1. Ретро.
20.10 3.00 Магия оружия.
22.10 Гандбол. Кубок об- ладателей кубков ЕГФ. Полуфинал.
2.10 6.10 Покер. Мировой тур.
5.10 Волейбол. Чемпи- онат России. Женщины.

ТАБРИКЛАР

Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник **Станислав Георгиевич КОЗЛОВ**ни 70 ёшга тўлгани билан самимий табриклаймиз. Устозимизга узоқ умр, саломат, бардамлик, яна кўп йиллар шогирдлари даврасини тўлдириб юришини тилаймиз.

Эҳтиром ила шогирдлари.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ ЖК ва УЖҚБ катта тезкор вакили, подполковник **Ашим ДУЛДУЛОВ**ни туғилган кун билан самимий муборакбод этамиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, хизматида катта ютуқлар тилаймиз. Яна кўп йиллар саломат бўлиб, даврамизни тўлдириб юришини Яратгандан сўраймиз.

Оила аъзолари ва ҳамкасблари.

Тошкент вилояти ИИБ ШТБХ бошлиғининг ташкилий-штат ишлари бўйича ёрдамчиси, подполковник **Фахриддин ҲАСАНБОЕВ**, Навоий

вилояти ИИБ ШТБХ бошлиғининг ташкилий-штат ишлари бўйича ёрдамчиси, подполковник **Акмал НОРБОВ** ва Сирдарё вилояти ИИБ ШТБХ бошлиғининг ташкилий-штат ишлари бўйича ёрдамчиси, майор **Одил ЗИЯЕВ**ларни туғилган кунлари билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбларимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва хизматларида улкан ютуқлар тилаймиз.

Республика ИИБ ШТБХ раҳбарияти ва шахсий таркиби.


Ҳаммамиз учун азиз ва ҳурматли **Насиббахон СУЛАЙМОНОВА!**

Туғилган кунингиз билан самимий кутлаймиз. Сизга узоқ ва мазмунли умр, метиндек соғлиқ, фарзандларингиз камолини кўриб, набираларингиз даврасини тўлдириб, умрингизнинг охиригача уларнинг ардоғида юришингизни тилаб қоламиз.

Эҳтиром билан, Озода опангиз ва оила аъзолари.

ЖУМБОҚ — 1

ХИЗМАТКОРНИНГ ТАДБИРИ



Бир киши сигир сотиб олибди. Уни молхонасига боғлаб, охурига пичан солибди. Ўзи эса пича дам олай деб тўшакка чўзилибди.

Бунинг ҳаракатларини ўғри кузатиб турган экан. У фурсатдан фойдаланиб сигирни етаклаб кўчага чиқибди. Буни пайқаб қолган уй эгаси:

— Ҳой, сигиримни қаёққа олиб кетаяпсан? — деб бақирганча орқасидан югурибди:

Ўғри бўлса гўё ҳеч гап бўлмагандек ўз

йўлида давом этаверибди. Ниҳоят, уй эгаси унга етиб олиб, кўлидан сигирнинг арқонини тортиб олмоқчи бўлган экан, ўғри:

— Нима, жинни бўлганмисан? Бу нима қилганинг? Сигиримни уймдан ўтлоққа олиб кетаяпман. Уни мендан тортиб олишга нима ҳаққинг бор? Устига устак мени ўғрига чиқарганинг нимаси? — деб сўрабди.

Улар алфозда тортишиб-суришиб қозининг ҳузурига кириб беришибди. Сигирнинг эгаси бўлган воқеани бир бошдан айтиб берибди. Ўғри эса унинг ҳикоясини пинагини бузмай тинглаб, мол ўзиники эканлигини яна такрорлаб тураверибди. Шунда қози уларнинг ҳар бирдан сигирга охириги марта нима ёқирганини сўрабди.

— Кепак берган эдим, — дебди ўғри.

— Олдига пичан солган эдим, — дебди сигирнинг ҳақиқий эгаси.

Шундан сўнг қози хизматкорини имлаб чақириб, қандайдир топшириқ берибди. Орадан кўп ўтмай хизматкор қайтиб кириб, сигир охириги марта пичан еганлигини айтиб, буни исботлабди. Қози молни эгасига қайтариб, ўғрига қирқ дарра уриш ҳақида ҳукм чиқарибди. Айтинг-чи, хизматкор жиноятчининг гапи ёлгонлигини қандай қилиб исботлаган.

ЖУМБОҚ — 2

Бир пайтлар Хўжа Насриддин Вобкентда қози эди. Кунларнинг бирида унинг ҳузурига икки киши шикоят билан келди.

— Иккимиз пул кўшиб туя сотиб олган эдик, — деди улардан бири. — Мен ўн тилла танга тўладим, шеригим эса ўттиз танга. Бирга туяда кўп одамларнинг юкини ташиб бердик. Ҳамиша топган пулимизнинг тўртдан бирини мен олардим, қолгани унга тегарди. Яқинда Зарафшон дарёсидан ўтаётганимизда туямиз чўкиб кетди. Энди шеригим мендан ўттиз тилла танга тўлашимни талаб қилаяпти.


— Тўғри-да, мен унга қараганда уч баравар кўп пул сарфлаганман, — баланд келди шериги. — Шунинг учун менга етказилган зарарни қопласин.

— Аммо фойданинг ҳам катта қисми сенга тегарди-ку! — эътироз билдирди биринчи киши. Хуллас, иккови ҳеч муросага кела олишмади.

Шунда Афанди сўради:

— Туя чўкиб кетганида устида юки бормиди?

ТУЯ НЕГА ЧЎКИБ КЕТГАН?



— Йўқ, — жавоб беришди улар.

— Ундай бўлса, аксинча, сиз шерингизга ўн танга тўлайсиз, — деди Хўжа Насриддин туяни сотиб олишга ўттиз танга сарфлаган кишига.

Қозинима учун бундай қарорга келди?

БИР НИҲОЛ

Юртдошим, боғингга бир ниҳол қала,
Бу ниҳол номини Яхшилик ата.

Ниҳолинг ёнига бир гул экиб қўй,
У гулнинг исмини Гўзаллик деб қўй.

Гулу ниҳолинга бахш этиб ҳаёт,
Сув бер ва бу сувга Меҳр деб қўй от.

Сендан фарзандингга боғ қолсин, эй дўст,
Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст.

Эркин ВОҲИДОВ.

КЎКЛАМ ЗАВҚИ

Келди кўклам, қирда унган лолалар шодон бугун,
Кенг жаҳонни забт этиб гул-лолалар шодон бугун.

Қир-адирдан бойчечагу, лолақизғалдоқ териб,
Қушчалардек қийқиришган болалар шодон бугун.

Лолазорда лолаларни рашк ўтида ёндириб,
Чаккасига гул тақиб, жононалар шодон бугун.

Тоза гулдек ҳуснига ошиқларин мафтун этиб,
Гулчиroy, Гулчехра-ю, Маржоналар шодон бугун.

Янги тўй бўлган келинчақлар либосин эслатиб,
Тоғдан оққан шарқироқ шалолалар шодон бугун.

Келди кўклам, нурга тўйди, яшинади олам дебон,
Дилдан унган ҳайқиригу лолалар шодон бугун.

Она юртим, кўкламинг дилдан муборакбод этиб,
Ушбу битган байтларим дурдоналар шодон бугун.

Зикрилла НЕЪМАТ.

НАВРЎЗОНА

Дил дилга сафар тутди,
Эл элга назар тутди,
Ой йилга саҳар тутди.
Наврўз келди оламга —
Кўк ерга хабар тутди.

Ай, менинг кутганларим,
Кўзимга суртганларим,
Кўрклигим — куртакларим,
Новдаларда уйғониб,
Оламни туртганларим.

Дил дилга тор бўлгайдир,
Эл элга ёр бўлгайдир.
Бу — навбахор бўлгайдир.
Менинг дафтарларим ҳам
Бинафшазор бўлгайдир.

Гул, райҳон исли диёр,
Бугдой нон исли диёр,
Ширмой нон исли диёр,
Осмонлар эркалаган,
Ой, кўёш юзли диёр.

Менинг порлоқ эшигим,
Улуғим ҳам кичигим,
Айвонингда эшитдим:
Онам сувлар сепганда
Япроқ ёзган бешигим.

Нур ўйнар танга-танга,
На армон жон ва танда.
Асал, новвот ҳам қандай
Фарзандларинг туғилар —
Ҳар бири бир Ватандай.

Сирожддин САЙИД.

Баҳорий кайфият

Бу шундайин бир фаслки,
Ҳамма шодон ва жамулжам.

«Наврўз» куйини чалдириб,
Ёшартирар кексани ҳам.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ТББ терговчиси, подполковник **Абдимўмин Турматович БОБОРАЗОҚОВ**ни 18 март — таваллуд айёми билан табриклар, у кишига узоқ умр, мустақкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, хизматидан улкан ютуқлар тилаб қоламиз.

Хурмат ва эҳтиром билан,
бир гуруҳ дўстлари.



Навоий вилояти ИИБ МИБ бошлиғи, подполковник **Асқар Мустафавич ЖУЗБАЕВ**ни таваллуд айёми билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга саломатлик, оилавий фаровонлик, машаққатли хизматларида ютуқлар тилаймиз.

Вилоят ИИБ раҳбарияти
ва шахсий таркиби


TIPRATIKANNING UYINI TARTIBGA KELTIRISHGA YORDAM BERING

— Gulqog'ozni yopishtirdim, oynani artdim, divanini tozaladim, — deya o'yladi tipratikan. — Endi hamma narsalarni joy-joyiga qo'yish kerak.



Ammo tipratikan narsalarni yana qaytarib joyiga qo'ya olmadi.

Aziz bolajonlar!

Gulqog'ozning chala qolgan joyiga mos gulqog'oz yopishtirishda, pardani rangini moslab ilishda, qandil, gultuvak, surat va yostiqlarni joy-joyiga qo'yishda tipratikanga yordam bering.



VARRAK YASASHNI BILASIZMI?



Bolalikda varrak uchirmaganlar kamdan-kam topilsa kerak. Uning turlari ko'p. Ammo varrak yasashni hamma ham bilavermaydi. Vaholanki, bu anchayin oddiy ish.

Odatda varrak to'rtta qamishdan iborat bo'ladi. Ulardan ikkitasi diagonal vazifasini bajaradi. Ikkitasi esa qolganlarini mustahkamlab turadi. Bordiyu varrak chizmada ko'rsatilganidan katta bo'lsa, o'rtasiga yana bitta qo'shish mumkin (u punktir, ya'ni uzuq chiziq bilan belgilangan).

Diagonal qamishlarni o'zaro kesishgan joyida mustahkamlaymiz. Keyin ularga ustki ip bilan qo'shib bog'laymiz. Varrakning konturi bo'yicha ip tortamiz. U varrakning barcha burchaklarini birlashtiradi. So'ng qamish va iplarni yelimlab, qog'oz qoplama (dardarak)ni yopishtiramiz. Qog'ozning chetlarini ip atrofi bo'ylab bukib, yelimlaymiz. Yelim qurigach, ustki qamishni ip yordamida asta egmaga qarab tortamiz. Bunday varrak ancha pishiq, chidamli bo'ladi.

Varrakning parvozi ko'proq uchma qanday qilinganiga bog'liq. Uchma uchta ipdan iborat bo'ladi. Tepadagi ikkita ip diagonallarga to'la mos tushishi lozim. Ularning tuguni esa varrakning markaziga to'g'ri kelishi kerak. Uchmaning pastki qismi tepa qamishning o'rtasiga aynan mos tushsin.

Varrakning dumi ingichka qilib kesilgan lattadan qilinadi. Agar varrak parvoz chog'ida u yoqdan bu yoqqa chayqalsa, demak uning dumi qisqaligidan darakdir. Uning uzunligi o'rtacha 2-2,5 metr bo'lgani ma'qul.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ
Келгуси ҳафта учун

- КҮЙ. 21 март – 20 апрель**
Ҳафта давомида тўпланиб қолган юмушларни бажарасиз. Талайгина ютуқлар қўлга киритилади. Раҳбарларга камроқ кўринишга ҳаракат қилинг. Мабодо бирор масала бўйича эътироз билдиришса баҳслашмаганингиз маъқул. Дам олиш кунлари табиатдан баҳра олиш ёки дўстлар даврасида хордиқ чиқаришни маслаҳат берамиз.
- СИГИР. 21 апрель – 20 май**
Ушбу даврда эришиладиган муваффақиятлар кам гапириб, атрофдагилар фикрига кўпроқ кулоқ тутишингизга боғлиқ. Ўз куч-қувватингизга ишончсизлик белгиланган режаларнинг бажарилишига салбий таъсир кўрсатади. Шанба ва яшанба кунлари яқинларингиз билан муносабатларни яхшилаб олиш имконияти бор.
- ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь**
Мазкур ҳафтада барча масалаларни ҳал этишда фаоллик кўрсатасиз. Ҳамкасбларингиз маҳоратингизга қойил қолиб, мақтовлар ёғдиришади. Бундан ҳаволаниб кетиб, ўзингизга ортиқча бино кўйманг. Сиз билдирган мулоҳазалар тўғри эканлиги амалда ўз исботини топади.
- ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль**
Ёлгон ваъдалар бермасликка ҳаракат қилинг. Рақибларингиз имкон топиб, панд беришга уринадилар. Ҳар қандай вазиятда ҳам ақл-идрок билан иш тутишни маслаҳат берамиз. Меҳнат фаоллигингиз муносиб тақдирланади. Барча яқинларингизга эътиборли бўлиш мақсадга мувофиқдир.
- АРСЛОН. 23 июль – 23 август**
Мазкур ҳафтада мураккаб вазифаларни бажаришга бемалол киришаверинг. Омад сиз томонда. Гўзалликка интилишингиз истеъдодингизнинг қиррасини намоён этади. Олисдаги танишингиз ҳақида хушхабар эшитасиз.
- БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь**
Ушбу ҳафтадаги вазифалардан бири ишдаги кийинчиликларни енгиб, куч-қувват тўплаб олишдир. Сирингизни ҳар кимга ишониб айтаверманг. Шанба кuni оилангиздаги тотувликни мустақкамлаш учун барча имкониятлар мавжуд. Бунинг учун аввало, хонадондаги муаммоларни ҳал этишингиз зарур.
- ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь**
Барча нарсаларнинг ижобий томонларини излаб топишга ҳаракат қилинг. Фақат ўз куч-қувватингизга таяниб иш кўришни маслаҳат берамиз. Ҳамкасбларингиз билан алоқаларни мустақкамлаш муваффақият келтиради. Яқинларингизга кўмаклашиш мақсадга мувофиқдир.
- ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь**
Мазкур ҳафтада биринчи навбатда муҳим вазифаларни бажаришга эътибор беринг. Арзиган нарсаларни деб асабингизни бузмаганингиз маъқул. Ҳақ-хуқуқингизни ҳимоя қилиш учун барча чораларни кўришингиз зарур. Дўстларингиз қўллаб-қувватлашади.
- ЁЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь**
Ушбу ҳафтада атрофдаги одамлар ўртасида ҳурмат-эътиборингиз ошади. Касб маҳоратингиз ва ташкилотчилик қобилиятингиз тақдирланади. Муомалада эҳтиёт бўлиб, ҳар бир сўзни ўйлаб гапиринг. Дам олиш кунлари ота-онангизни бориб кўришга вақт ажратишни маслаҳат берамиз.
- ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь**
Танишларингизнинг феъл-атворида пайдо бўлган ўзгаришларга аҳамият бермаганингиз маъқул. Улар билан борди-келдини яхшилаш учун бор имкониятларни ишга солинг. Қизиқувчанлигингиз ҳаётда учрайдиган талайгина жумбоқларни ечишда қўл келади.
- ҚОВҒА. 21 январь – 20 февраль**
Амалий шериклар билан муносабатлар мураккаблашиши мумкин. Ақл билан иш тутсангиз ҳаммаси ўз ўрнига тушади. Белгиланган режаларга киришиш учун сешанба кулай кундир. Ҳамкасблар ва раҳбарлар билан мулоқотда келишмовчилик келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис, хушмуомала бўлинг.
- БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март**
Ушбу ҳафтада орзуларингиз ушалиши бир олам қувонч келтиради. Хушхабарлар эшитасиз. Ёши катта қариндошларингиз билан баҳслашмаганингиз маъқул. Ҳозирча янги вазифаларга киришманг, чунки улар қутилган натижага бермайди. Дам олиш кунлари хонадонингизга дўстларингиз ташриф буюради.

КЎКЛАМ ДАРМОНДОРЛАР

Қаҳратон қиш чекиниб, кунлар исий бошлаши билан замин ямшил гиёҳларга бурканади. Дала, боғ, майдонларда бўй чўзган ўт-ўланларнинг дориворлик хусусиятга эга эканлиги инсониятга қадим-қадимдан маълум. Одамлар турли хил касалликларни даволашда ўсимликларнинг барги, меваси, гули, пояси, илдизи, пўстлоғи ва уруғидан фойдаланиб келишган. Баҳорнинг илик узилди даврида, айниқса, кўкатларнинг фойдаси катта. Қуйида доривор ўсимликларнинг айримларини халқ табобатчилигида қандай касалликларни даволашда қўлланилишини келтирамиз.

ЯЛПИЗ. Унинг пояси ва баргидан тайёрланган қайнатмаси тиш, оғиз оғриқлари, милк яллиғлигини даволаш учун тавсия этилади. Қайнатмага шакар қўшиб тайёрланган қиём қуёнчиқ касалига даво бўлади. Ялпизнинг эзиб олинган шираси эса сариқ касалига фойдали. Нафас йўллари касалликларининг олдини олишда қўлланилади. У кўкракни юмшатовчи, балғам кўчирувчи ҳамдир. Таркибида С дармондориси, минерал тузлар ва бошқа моддалар мавжуд.

КАШНИЧ. Унинг кўк ҳолидагисини, қуритилганини, мевасини доривор сифатида қўллаш мумкин. Қуритиб майдаланган барги сигир сутига аралаштириб суртилса, шишларни кетказди. Арпа бодийен билан қўшиб майдалаб, анор суви билан бирга қайнатиб ичилса, гижжани ҳайдайди. Меваларидан тайёрланган қайнатма балғам кўчирувчи, бавосилга қарши, ўт ҳайдовчи, овқатни ҳазм қилувчи сифатида тавсия этилади. Таркибида эфир мойлари, дармондорилар бор.



ИСМАЛОҚ. Камқонлик, томоқ, ўпка ва асаб касалликларини даволашда исмалоқ баргларида тайёрланган дамлама яхши фойда беради. Сийдик ва ел ҳайдашда ҳам қўлланилади. Қорин ва ичаклар яллиғланганда ҳам даводир.

ЖАФ-ЖАФ. Халқ орасида уни ачамбити деб ҳам айтилади. Меъда, ўпка, бурдан қон кетганда дамлама ҳолида ичилади. Қайнатиб бод билан оғриган жойларга суртиш ижобий натижа беради. Кўк ҳолда истеъмол қилинса, қон босимини тушириб, ичак фаолиятини уйғунлаштиради. Организмда модда алмашинувини яхшилайдди, жароҳатларнинг битишини тезлаштиради. Унинг таркибида С ва К дармондорилари, минерал тузлар ва бошқа моддалар бор.

ТОҒРАЙҲОН. Меъда-ичак фаолияти бузилганда, дармонсизликда фойда беради. Дамламаси йўтал, нафас қисий,

ўпка касаллигида истеъмол этилса ижобий таъсир этади. Шунингдек, бод, фалаж, тутқаноқ, қуёнчиқ, ичак оғриқларида қўлланилади. Сийдик ҳайдовчи ва терлатувчи сифатида ҳам фойдаланилади. Унинг таркибида эфир мойлари, микроэлементлар, органик кислоталар, С дармондориси, каротин каби моддалар бор.

ПЕТРУШКА. Халқ табобатида қадимдан безгакка шифо, терлатувчи, ел ҳайдовчи, буйрак ва қовоқдаги тошларни эритувчи сифатида қўлланилган. Унинг янги шарбати эт узилишида, лат еганда ижобий таъсир кўрсатади, юздаги сепкиллари йўқотади. Таркибида С дармондориси, эфир мойлари, каротин ва бошқа моддалар бор.

Юқорида санаб ўтилган доривор ўсимликларнинг барчасидан айна кўкдамда ош кўк сифатида қадимдан фойдаланиб келинади. Улардан турли салатлар, сомса, чучвара, манти тайёрлашда ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Буюк аллома, табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино ўз китобларида бу ўсимликларнинг эрта баҳорда, янги ўсиб чиққанида дармондориларга бой бўлишини қайд этиб ўтган.

ШИВИТ. Кўпроқ укроп деб юритилади. Меваси анжир билан бирга қайнатилса, ўткир йўтал ва зикнафас (астма) хуружига даво бўлади. Барглари ва поясида тайёрланган дамлама овқатнинг ҳазм бўлишини осонлаштиради, ични маромлаштиради. Қон томирини кенгайтиради ва қон босимини камайтиради. Сийдик ҳайдайди, организмдаги модда алмашинувини яхшилайдди, суяк тўқималарини мустаҳкамлайди, қонни кислотород билан бойитишига ёрдам беради. Таркибида эфир мойлари, баргларида С, А, В, В₂, Р дармондорилари, минерал тузлар бор.



қин ва мурасасиз жангида ҳамюртимиз рақибига нисбатан фаолроқ эканлини кўрсата олди ва бир неча марта кучли ва аниқ зарба беришга эришди. Учрашувда ҳакамлар очколар бўйича Ўзбекистонлик боксчи устун келганини қайд этди. Шундай қилиб, Руслан Чагаев профессионал боксда дастлабки ғалабага эришди ва WBO ҳамда WBA йўналишлари бўйича қитъалараро чемпионлик камарларини қўлга киритди.



ФУТБОЛ МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Республикамизнинг йирик футбол стадионлари яна ишқибозлар билан гавжум. Футбол бўйича Ўзбекистон XV миллий чемпионати олий лигаси жамоалари соҳибдорлиги учун кураш бошлади. Дастлабки тур учрашувларидаёқ

маҳоратли ўйинлар намойиш этилди. Имкониётлардан яхши фойдаланганлар мавқеларини юқорилатиб олқиш олдидилар. «Локомотив» — «Трактор» 1:2, «Тўпаланг» — «Шўртан» 3:0, «Пахтакор» — «Самарқанд-Д

3:0, «Сўғдиёна» — «Нефтчи» 0:3, «Насаф» — «Навбахор-Н» 1:0, «Андижон» — «Металлург» 0:0, «Хоразм» — «Бухоро» 1:3, «Қизилқум» — «Мащъал» 1:1. Кейинги тур ўйинлари 17-18 март кунлари бўлиб ўтади.

БОКС РУСЛАН ЧАГАЕВ — ПРОФЕССИОНАЛ ЧЕМПИОН!

Андижонлик чарм кўлқоп устаси Руслан Чагаев Германиянинг Гамбург шаҳридаги Color Line Arena спорт мажмуида ilk бор профессионал боксчилик фаолиятидаги жангини ўтказди. Ҳамюртимиз украиналик боксчи Владимир Вирчиснинг профессионал боксинг энг нуфузли - Жаҳон бокс ташкилоти (WBO) ҳамда Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) йўналишлари бўйича қитъалараро чемпионлик камарларига даъвогар бўлди.

Мазкур беллашув кўпчиликнинг эътиборини жалб қилди. Чунки кейинги пайтда Руслан Чагаевнинг жанглирига мухлису мутахассислар томонидан катта қизиқиш билдирилаётгани сир эмас. Русланинг рақибини 1999 йилдан буюн профессионал рингда ўтказган 20 та жанглирининг барчасида ғалаба қозониб, 17 тасида рақибларини нокаутга учратган. Ҳар жиҳатдан бир-бирдан қолишмайдиган ҳар икки енгилик боксчининг кес-



кин ва мурасасиз жангида ҳамюртимиз рақибига нисбатан фаолроқ эканлини кўрсата олди ва бир неча марта кучли ва аниқ зарба беришга эришди. Учрашувда ҳакамлар очколар бўйича Ўзбекистонлик боксчи устун келганини қайд этди. Шундай қилиб, Руслан Чагаев профессионал боксда дастлабки ғалабага эришди ва WBO ҳамда WBA йўналишлари бўйича қитъалараро чемпионлик камарларини қўлга киритди.

ЭРКИН КУРАШ АРТУР — МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ СОҲИБИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида ФИЛАнинг эркин кураш бўйича «Олтин Гранпри» туркумига кирувчи «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтди.

Ўнинчи бор ташкил этилган мазкур анъанавий мусобақада ҳамюртларимиздан ташқари Россия, АҚШ, Грузия, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Япония, Беларусь, Туркменистон, Арманистон, Болгария, Қозғистон ва Украинадан келган юз нафар полвон етти вазн тоифасида бош соврин

учун гиламга чиқди. Турнирнинг энг кескин ва мурасасиз учрашуви ўта оғир вазнли — 120 килограмм тош босадиган курашчилар - Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Артур Таймазов ва грузиялик Алекс Модебалзе ўртасида бўлди. Беллашувда кетма-кет чиройли усулларни намо-

йиш қилган ўзбекистонлик полвон рақибини дадил мағлубиятга учратиб, «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги»нинг бош соврини соҳиб бўлди. Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчилардан икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров - кумуш, жаҳон чемпионати совриндори Адҳам Очилов ва Абдул Аммаев бронза медаллари билан тақдирланди.

ОМАД ЁР БЎЛСИН, АБИТУРИЕНТЛАР!

ИИВ Академиясининг спорт шаҳарчасида сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курсларида ўқишга кириш умидида келган ёшлар жисмоний тайёргарликдан синов имтиҳонлари топширдилар. Биринчи майдонда абитуриентлар уч чақиримга югуриш бўйича синовдан ўтишди.

Юз метрга югуриш бўйича имтиҳонда ёшлар боршижоати, маҳоратини ишга солишга ҳаракат қилдилар. Мингдан ортиқ бу йигитларнинг ҳаммаси ҳам ўрта махсус ёки олий маълумот эгаси. Улар орасида ҳарбий хизматда чиниққан, ҳаётнинг озми-кўпми паст-баландини кўрган ёшлар ҳам бор. Йигитлар шунингдек,

турникка тортилиш машқларини ҳам бажардилар. Барчанинг кўз олдида кимнинг тайёргарлиги пишиқ-пухта-ю кимники бўшлиги яққол кўриниб қолди. — Инсон улғайгани сайин болаликдаги орзуси ҳам мустаҳкамланиб, қатъий қарорга айланиб бораверар экан, — дейди ҳозиргина турникда тортилиш машқини аъло даража-

да бажарган, Тошкент вилояти Тошкент туманидан келган Фазлиддин Бадриддинов. — Жаҳон тиллари университетининг инглиз ва индонез тиллари бўйича таржимонлик факультетини битириб, ҳарбий хизматни ўтаб келдим. Болаликдан ички ишлар ходими бўлишни орзу қилганман. Мана, орзумга етиш учун бугун имтиҳон топширяпман. Худди шундай гапларни жисмоний тайёргарлик нормативларини аъло ва яхши баҳолабга топширган, Андижон чет тиллар институтининг инглиз тили факультети ҳамда Қарши иқтисодиёт коллежини битирган Барно Олимова, Ҳикоят Салимова-лардан ҳам эшитдик. Мана, жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳон топширган абитуриентлар тест синовларини топшириш учун йўлланма олдилар. Уларнинг ёшлик, шижоат, куч-қувват ва ишонч барқ уриб турган юзларига қараб: «Барчангизга омад ёр бўлсин!», дея тилак билдирдик.




Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА. Суратда: жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳондан лавҳалар. **Анна УСОВА** олган сурат.

ҚАМОҚХОНА ИШҒОЛ ЭТИЛДИ

Фаластин ҳукумати раҳбарлари яқинда Исроилнинг собиқ сайёҳлик вазири Реҳавам Зеевини ўлдирганликда айбланиб қамалган Аҳмад Саодат ва унинг тўрт издошини озод қилишини айтишган эди. Бунга жавобан Исроил махсус бўлинмалари улар сақланаётган Шерихон шахридаги қамоқхонани ишғол этишга киришишти. Аскарлар турмани қамал қилиб, ичкарига кириб, маҳкумларни ҳам, қўриқчиларни ҳам ҳибсга олишти. Бульдозерлар эса қамоқхона деворини буза бошлади.



Фаластинликлар норозилик сифатида Ғазо секторидида кўплаб хорижликларни ўғирлаб кетишти. Куролланган жангарилар Британиянинг Ғазодаги маданий марказини ўққа тутишти, хорижлик вакиллар жойлашган бир қанча биноларни эгаллаб олишти. Баъзи маълумотларга қараганда, 20 га яқин чет эллик фуқаро гаровга олинган. Аҳмад Саодат ва унинг издошлари исроиллик ҳарбийларга таслим бўлишган. Фаластинлик жангариларнинг қаршилиқ ҳаракатлари давом этаяпти.



НОРОЗИЛИК

Францияда янги қонун қабул қилинди. Унга кўра иш берувчилар ҳали 26 ёшга тўлмаган мутахассисларни дастлабки икки йил ичида сабабини тушунтириб ўтирмасдан ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўладилар. «Бизнинг бош мақсадимиз ишсизликка қарши курашишдан иборат. Янги қонун айнан ана шу мақсадга қаратилган», — деди мамлакат Бош вазири Доминик де Вильпен. Бундан биринчи галда талабалар норози. Машҳур Сорбонна университетидида таҳсил олаётганлар ўртасида тартибсизликлар бўлиб ўтди. Полициячилар

кўздан ёш оқизувчи воситалардан фойдаланишти. Талабалар эса уларга қарата тош, шиша идишлар улоқтиришти.


Тартиб ўрнатиш чоғида икки киши тан жароҳати олган, 20 дан ошиқ талаба ҳибсга олинган. Франция Таълим вазирлигининг маълумотларига қараганда, мавжуд 84 университетдан 11 тасида жиддий норозилик ҳаракатлари юз бераяпти, 26 та олий ўқув юртида эса таълим жараёнини ташкил этиш «қийинлашган». Аммо талабалар касабаяшмаларининг билдиришича, мамлакатнинг 50 та университети талабалари намоёнлашлар ўтказишяпти.



КИМ АЙБДОР?

Оммавий ахборот воситаларида хабар қилинганидек, собиқ Югославия раҳбари Слободан Милошевич Гаагадаги қамоқхонада вафот этди. Ўлимидан бир неча ой олдин унинг соғлиги жиддий ёмонлаша бошлаганди. Россия томони унга Москвада малакали тиббий ёрдам кўрсатиб, сўнг яна халқаро трибунал ихтиёрига топширишни кафолатлаган эди. Аммо судья Патрик Робинсон бу таклифга рози бўлмади, собиқ Президентга Голландияда тиббий текширувдан ўтишни тавсия этди. Милошевич бу тавсиядан фойдаланишга улгурмади.

Слободан Милошевичнинг ўлими ҳақида турли миш-мишлар юрибди. Халқаро трибунал эса унинг табиий равишда, тўшакда ётган ҳолда вафот этганини таъкидлаяпти.



ЎЗАРО ТИЛ БИРИКТИРИБ

Баҳор кишининг руҳий ҳолатига ижобий таъсир этиб, кайфиятини кўтариши олдиндан маълум. Аммо баъзан акс таъсир ҳам қилади, шекилли. Яқинда Қунчиқар мамлакатидида икки марта одамларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари аниқланди. Хонсю оролида йўловчилар йўл ёқасида ойналарига шаффоф плёнка ёпиштирилган машинани кўриб полицияга хабар беришти. Автомобилни очиб кўрган полициячилар беш эркак ва бир аёл тутундан бўғилиб ўлиб ётганига гувоҳ бўлишти. Токио шимолидаги Асмори префектурасида ҳам шунга ўхшаш ҳолат қайд этилди. У ердаги машинадан икки аёл ва бир йигитнинг мурдаси топилди. Ҳар икки ҳолатда ҳам ўз жонига қасд қилганлар бундай ғайриоддий хатти-ҳаракатларининг сабаблари ҳақида ёзиб қолдиришмаган.



Экспертларнинг фикрича, илгари ўзаро таниш бўлмаган бу шахслар Интернет орқали танишиб, ўз жонларига биргаликда қасд қилиш ҳақида келишиб олишган. Японияда бундай ҳолатлар вақти-вақти билан учраб турибди. Ўтган йили мамлакатда 91 киши (уларнинг аксарияти 20-40 ёш оралиғида) шу тариқа ҳаётни тарк этган.

ги кунда улар ички ишлар ходимларининг соғлигини мустаҳкамлаш учун муносиб меҳнат қилишмоқда. Ҳамидулла Соатов ўзининг узоқ йиллар давомидаги самарали фаолиятида ИИБ раҳбарияти ва ходимлар ўртасида муносиб ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлди. Унинг ўчмас хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади. Марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Республика ИИБ Тиббиёт бошқармаси раҳбарияти ҳамда жамоаси. Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши.



Ҳамидулла Соатович СОАТОВ

нинг Оржоникидзе (ҳозирги Қибрай) туманида туғилди. 1962 йил Тошкент Давлат медицина институтини тугатиб, иш фаолиятини йўлланма бўйича Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш мусасасасида шифокор-ординатор лавозимида бошлади. Унинг ўз хизмат вазифаларини сикдикидан бажариши ҳамда ташкилотчилик қобилиятлари инobatга олиниб, 1973 йилда ИИВнинг Марказий поликлиникасига бошлиқ этиб тайинланди. Ушбу лавозимда 1976

Бешафқат ўлим ички ишлар идораларининг фахрийси, захирадаги полковник, республикада хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Ҳамидулла Соатович СОАТОВни 70 ёшида, орамиздан олиб кетди. Ҳамидулла Соатов 1936 йил Тошкент вилояти-

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНЛАР

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.



Николай Михайлович ГЕТМАН. 1918 йилда туғилган. Олмалиқ шаҳар, Китве кўчаси, 8-уй, 55-хонадонда яшаган. 2001 йил 5 июль куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, озгин гавдали, юзи чўзиқроқ, сочи оқарган, пешона қисмида соч йўқ, кўзлари жигарранг, қошлари сийрак, оқ оралаган, ёйсимон.

Алоҳида белгиси: бурнининг ўнг томонида 1 см катталиқда чандиқ бор.

Кийимлари: эгнида кулранг катак кўйлак, қора шим, оёғида тўқ кулранг туфли бўлган.

Валерий Михайлович РУДНЕВ. 1976 йилда туғилган. Олмалиқ шаҳар, Ипак йўли кўчаси, 48-уй, 20-хонадонда яшаган. 2001 йил 21 сентябрь куни эрталаб уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Белгилари: бўйи 170 см, юзи чўзиқроқ, сочи қора, қошлари қора, қулоқлари катта, лаблари қалин.

Алоҳида белгилари: ўнг оёғининг сон қисмида машғала суратли татуировка, чап қўлининг тирсак қисмида 1 см катталиқда чандиқ, ўнг қўлининг панжасида узук тасвирли татуировка, иягида 1 см катталиқда хол бор, номсиз ва кичик бармоғи бир-бирига ёпишган.

Кийимлари: эгнида енги узун кўйлак, кулранг шим, енгсиз нимча, оёғида туфли бўлган.



Анна Степановна ПОТАПЕНКО. 1906 йилда туғилган. Олмалиқ шаҳар, Эскибозор кўчаси, 54-уйда яшаган. 2001 йил август ойида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, озгиндан келган, сочлари оқарган, сийрак, қошлари сийрак, юзига ажин тушган, тишлари тушган, озгина букчайиб юради.

Кийимлари: эгнида пуштиранг гулли халат, бошида оқ рўмол, оёғида калиш бўлган.

Людмила Анатольевна КОЛЯСНИКОВА. 1954 йилда туғилган. Олмалиқ шаҳар, Металлурглр кўчаси, 88-уй, 60-хонадонда яшаган.



Белгилари: бўйи 155-160, тўладан келган, юзи чўзиқроқ, сочига оқ тушган, бўялган, қоши сийрак, ёйсимон, лаблари қалин.

Кийимлари: эгнида кулранг узун юбка, қора рангли свитер, оёғида жигарранг кўнжсиз ботинка бўлган.



Николай Николаевич ЯКУШЕВ. 1968 йилда туғилган. Олмалиқ шаҳар, Чехов кўчаси, 8-уй, 34-хонадонда яшаган. 2002 йил 6 октябрь кундузи уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 170 см, ўртача гавдали, сочи, қош-кўзлари қора, лаблари қалин, шалпангқулоқ.

Алоҳида белгилари: қорнининг ўнг томонида жарроҳликдан қолган чандиқ, чап қўлининг номсиз ва кичик бармоғида куйгандан қолган чандиқ бор.

Кийимлари: эгнида турли рангдаги катак кўйлак, кулранг шим, оёғида қора туфли бўлган.

Анна Константиновна КУРДЮМОВА. 1918 йилда туғилган. Олмалиқ шаҳар, Москва кўчаси, 6-уй, 50-хонадонда яшаган. 2002 йил 15 декабрда уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.




Белгилари: бўйи 150-155 см, озгин гавдали, сочи калта, оқ оралаган, кўзлари жигарранг, қисик, қошлари сийрак.

Алоҳида белгилари: ҳар иккала оёғининг болдир қисмидаги томирлари бўртиб чиққан, ўнг қўлининг қафт қисми синган.

Кийимлари: эгнида қора плашч-камзул, ҳаворанг халат, кулранг гамаж, бошида қизил жун рўмол, оёғида оч жигарранг калта кўнжли этик бўлган.

Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд Олмалиқ шаҳар ИИБга хабар беришларини сўраймиз.



*Боғ сайлига чиққан эдим, баногоҳ,
Гуллар аро кўринди-ку бир нигоҳ!
Ул нигоҳки, султониға содиқдир,
Не мақтов бор – барчасига лоиқдир!*



ЮРИДИК АТАМАЛАР ИЗОҲИ

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги, маданияти қанчалик юқори бўлса, улар ҳақ-ҳуқуқларини шунча яхши билишади, талаб қила олишади. Нафақат ҳуқуқшунослик бўйича дарсликлар, қонунлар, балки юридик атамалар изоҳли луғатлари ҳам кишининг ҳуқуқий билимини оширишга катта ёрдам беради. Шунинг учун юридик фанлари доктори О. Хусанов ҳамда юридик фанлари номзоди Х. Азизов томонидан тузилган «Давлат ва ҳуқуқ асослари изоҳли луғати»дан парчалар бериб боришга қарор қилдик. Ҳаётимизда энг кўп учрайдиган давлат ва ҳуқуқ соҳасида оид атамалар изоҳи билан танишиш барча муштарийларимиз учун фойдадан холи бўлмайди деб ўйлаймиз.

ТАҲРИРИЯТ.

АВФ – шахсни содир этган жинояти учун тайинланган ёки тайинланадиган жазони ўташдан озод этиш, яъни кечириш. Бунда, ҳар бир кишининг шахси, аввалги хизматлари, етказган зарари, ўзини тутиши, яхши йўлга кирганлиги, бирор корхонанинг қафолатномаси ҳамда кечириш ҳақидаги илтимослари эътиборга олинади. Авф эъдон қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентига тегишлидир.

АДОЛАТ (ОДИЛЛИК) – ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъёрий категорияси. Адолат натижасида тенгликка эришилади, инсонпарварлик таъминланади. Адолат асосига қурилган жамиятда фуқаролар ўртасида ва давлат билан фуқаролар ўртасида ижобий

муносабатлар ўрнатилади. Фуқароларнинг яхши турмуш кечиришига, моддий неъматлардан кенг фойдаланишига имконият яратилади.

АМНИСТИЯ – жиноят содир этганлар ҳамда жинояти учун жазони ўтаётганларни муҳим саналар, байрамлар муносабати билан умумий авф этиш (кечириш).

АРМИЯ – ҳар қандай давлатнинг мустақиллигини ташқи тажовузлардан сақлашнинг асосий воситаларидан ҳисобланувчи қуролли кучларидир. Армиянинг таркиби, сони давлат томонидан эҳтиёж ва имкониятларига қараб белгиланади. Армия давлатнинг давлат сифатида кўрсатувчи белгиларидан биридир.

Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмуни ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятида-миз. Тақлифларингиз бўлса, марҳамат, бизга кўнгирак қилинг!



Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса куйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Телефон: (371) 139-73-88

Соат 9.00дан 21.00гача

Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми? Марҳамат!

Мурожаат
учун телефонлар: **139-73-88**
139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz



Аллоҳ таоло сахийдир, сахийликни севади. Яхшилик қилувчидир, яхшиликни яхши кўради (Термизий ривояти).

Ким бир биродарининг бетоблигини сўрагани борса, у жаннатнинг боғида бўлади (Абу Асмо ривояти).

Оталарингизга меҳрибон бўлинглар, шунда сизлар ҳам меҳмурувват кўрасизлар (Имом Муслим ривояти).

Бир одам Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам)дан «Исломда энг яхши амал қайсидир?» – деб сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Очларни тўйғазмоғинг, таниган ва танимаган одамга салом бермоғинг», – деб жавоб қилдилар (Имом Бухорий ривояти).

Барақа ёши улуғларингиздадир. Ким кичикларимизга раҳм-шафқат қилмаса, катталаримизни улуғламаса (ҳурматламаса), у биздан эмас (Абу Умома ривояти).

Раҳмдил ва мурувватчиларга Раҳмон ҳам раҳму шафқат кўрсади. Ер юзидагиларга раҳм қилинлар, осмондаги Зот-сизларга раҳм қилади (Ибн Амир ривояти).

Кимки ризқи кенг ва умри узоқ бўлишни хоҳласа, қариндошларига яхшилик қилсин (Термизий ривояти).

Халқлар билан мулоим ва юмшоқлик билан муомалада бўлиш ҳикматнинг бошидир (Имом Муслим ривояти).

Очларни тўйғизингиз, беморлар ҳолини сўрангиз ва асоратга тушиб қолганларни озод айлангиз (Имом Бухорий ривояти).

Фотиҳа сўраси ҳар қандай дардга даводир (Имом Байҳақий ривояти).

Кимки бирор кишини яхши ишга далолат қилса, унга ўша яхши ишни бажаргани саवоби берилади (Имом Муслим ривояти).

Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам): «Менга заиф, бечораларни топишга ёрдам беринглар. Сизларнинг ризқингиз ва ютуқларингиз асосан заиф ва бечораларга ёрдам беришингиз сабабидан зиёда бўлади», деганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

ҲАДИСЛАР

Мўмин киши ўзи тўқ бўла туриб, кўшнисини оч қўймайди (Имом Аҳмад ривояти).

У зот (Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам): «Етим боланинг тарбиясини зиммасига олган киши жаннатда мен билан шундай яқин бўлади», – дея ўрта бармоқлари билан кўрсаткич бармоқларини жуфт қилиб кўрсатдилар (Мурра Фахрий ривояти).

Бекорчиликда қилинадиган иш	Тўғри машина русуми	Алоҳ асосда: йирк хонивор	Ибрат-ли гап Суг мах-сулоти	Кария Аллоҳ	Транс-порт кутиш жойи	Жабр...
Мавн этиш	Хижрий ой	Санок қўшим-часи	Нота	Исм Муслик йўна-лиши	Ушла!	Картэ тури
Морган-лик жойи	Еввойи	Осийша-талик	Овқат маҳали	Илм...	Суп	Олвор (фут-болчи)
Мева	Япон ороли	Нота	Волнда	Футбол жамоаси (Россия)	Карвон-боши	Енгил тлом
Мери-лин	Хан-гома	Хасса	Исм	Ижобий жавоб	Девнд (бокс)	Киска, энска
Дарб (Россия)	Сергак	Дарб (Россия)	Сергак	Журнал номи	Хшарот	Нота
Бог-лочи	Самолёт русуми	Кур-саткич олмаши	Ақлий спорт	Майдон ўлчови	Кордик	Идиш
Гуноқ-сиз	Кам-бегул	Уй хайвони	Бўлинг-мас сон	Савод-сиз	Падлар	Дарб (Россия)
Хўл эмас	Хам шох, хам шоир	Химмат-бахо металл	Суюқ тлом	Суюқ тлом	Дарс	Овоз
Книшлук ҳужайи	Хам шох, хам шоир	Химмат-бахо металл	Суюқ тлом	Суюқ тлом	Дарс	Овоз

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРИПТОГРАММИНИНГ ЖАВОБЛАРИ
Очқич сўзлар: 1. Ўзаро. 2. Чанг. 3. Оз. 4. Дур. 5. Ақл. 6. Дўст. 7. Олтин.
Ҳикмат: Сўздир инсон ақлин далили,
Сири очилур сўзлагач тили.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir
Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari
Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib Erkin SATTOROV

Navbatchi: Azizjon Fayziyev
Sahifalovchilar: Zakir Boltayev
Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.
Kelgusi sonda uchrashguncha xayr!

MANZILIMIZ:
700029, Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001, MFO
00421. «Irak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat bankinging
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-
matbaa ijodiy uyi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili: Alisher
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007
raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2166. Bosilish - ofset usulida. Hajmi
- 6 bosma taboq, 55969 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda
- 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga
topshirildi - 23.00. Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.